

ЎЗБЕКИСТОН-УКРАИНА:

ҲАМКОРЛИК ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

шида бўлган шахсларнинг фуқаролиги масаласини ҳал қилишда ўзаро ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги аҳдлашув қабул қилинди.

Шундан кейин оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказилди. Президентлар музокараларда кўрилган масалаларда томонларнинг қарашлари бир-бирига тўла мос тушганини эътироф этди. Улар мазкур мулоқотлар, аввалги учрашулардагидек, фойдали бўлгани ва ўзаро яқдиллик руҳида ўтганини таъкидлади.

Маълумки, яқинда Бишкекда Божхона иттифоқига аъзо мамлакатлар - Россия, Беларус, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон раҳбарларининг учрашувида мазкур ташкилотни Евроосий иқтисодий ҳамжамиятига айлантириш тўғрисида дастлабки келишувга эришилди. Президентлар шу хусусда берилган саволга жавоб қайтарар экан, бу ҳужжат ГУУАМ фаолиятига таъсир этмаслигини таъкидладилар. Шу кунгача Божхона иттифоқининг фаолияти ҳам кутилган натижаларни бер-

маганини қайд этмоқ даркор. Мазкур иттифоққа аъзо давлатлар ўзларининг баъзи алоҳида-алоҳида қадамлари билан унинг амалда самара беришига тўсқинлик қилаётгани ҳам маълум.

«Дўрмон»да бўлиб ўтган музокараларнинг қанчалик самарали кечганини имзоланган ҳужжатларнинг сони ҳам кўрсатиб турибди. Леонид Кучманинг юртимизга ташрифи ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада юксалтириш Ўзбекистон учун ҳам, Украина учун ҳам жуда манфаатли эканини яна бир бор намойиш этди.

* * *

Расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Украина Президенти Леонид Кучма 13 октябрь куни эрталаб Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов ҳамроҳлигида пойтахтимиздаги Хотира ва қадрлаш майдонига бориб, Мотамсаро она ҳайкали пойига гул қўйди. Меҳмон Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлганлар хотирасини ёдга олди.

Шундан сўнг, Украина раҳбари пойтахтимизнинг Тарас Шевченко кўчасига борди. 1969 йили украиналик қурувчилар кўмаги билан бунёд этилган, айна пайтда шаҳар-

даги намунали билим масканларидан бири ҳисобланган 110-мактабнинг ўқувчилари меҳмонларни гулдасталар билан қарши олди. У ерда украин халқининг озодлик куйчиси Тарас Шевченко хотирасига ўрнатилажак ёдгорликка пойдевор қўйилди.

Шу ернинг ўзида халқимиз билан елкама-елка меҳнат қилиб, тинч-тотув истиқомат қилиб келаятган украин миллатига мансуб юртдошларимиз билан учрашув бўлди. Бугунги кунда юртимиздаги украинлар сони 300 мингдан зиёд. Улар ҳам мамлакатимиздаги бошқа миллат вакиллари қатори Ўзбекистоннинг иқтисодий қудратини, халқ фаровонлигини ошириш йўлида бошқа миллатлар билан баҳамжihat меҳнат қилмоқда. Бунинг асосида, албатта, юртимиздаги мустаҳкам тинчлик ва барқарорлик ётибди. Учрашувда буларнинг барчаси Ўзбекистон раҳбарияти, хусусан, Президент Ислоҳ Каримов юритаётган изчил сиёсат натижаси эканлиги алоҳида таъкидланди.

Шу куни Леонид Кучма Ислоҳ Каримов ҳамроҳлигида Бухорога борди.

Президентлар Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида бўлиб, бу ерда йўлга қўйилган

замонавий иш услуби билан танишди. Ислоҳ Каримов ва Леонид Кучма марказий бошқарув пултида меҳнат қилаётган мутахассислар билан суҳбатлашди.

Украина Президенти Леонид Кучма заводнинг фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдирди.

— Мен бу китобга мазкур заводдек замонавий корхоналар келажакда Ўзбекистоннинг қиёфасини белгилайди, деб ёздим, — деди Украина раҳбари журналистлар билан суҳбатда. — Модомики, мамлакат раҳбарияти шундай замонавий ва улкан корхоналар бунёд этиш ҳақида ўйлаётган экан, демак, ўша давлатнинг порлоқ келажagini ҳам яратаяпти.

Куннинг иккинчи ярмида Украина раҳбари Бухородаги қадим ва жозибадор тарихий обидалар — Сомонийлар мақбараси, Пойи Калон мажмуи-га кирувчи Минораи Калон, Масжиди Калон ва Мирараб мадрасаси, Лабиҳовуз ансамбли, Нодир девонбеги мадрасасини зиёрат қилди.

— Мазкур меъморий обидаларнинг қиёфасига қараб, мамлакатингизда маънавий қадриятларга қанчалик катта эътибор берилаётганини, ўз тарихига бўлган улкан эъзоз-

ни кўриш мумкин, — деди Л. Кучма. — Бухоронинг қадимий обидалари мени ҳайратга солди. Бу бинолар нафақат Ўзбекистон халқининг, балки бутун дунёнинг мулкидир.

Украина Президенти шу куни Бухородан Киевга жўнаб кетди. Бухоро аэропортида олий мартабали меҳмонни Президент Ислоҳ Каримов кузатиб қолди.

Украина Президенти Леонид Кучманинг мамлакатимизга ташрифи, томонлар яқдиллик билан таъкидлаганидек, жуда самарали ва самимий кечди. Икки кун давом этган бу сафар мамлакатларимиз ўртасидаги анъанавий дўстлик ҳамда кенг кўламли савдо-иқтисодий ва сиёсий ҳамкорликнинг янада мустаҳкамланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

**Анвар КАРИМОВ,
Файрат САЪДУЛЛАЕВ,
ЎЗА мухбирлари.**

Суратда: Бухоро зиёрати.

**Рўздат
ЖУМАНИЁЗОВ (ЎЗА)
олган сурат.**

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетидеда Ўзбекистон Фанлар академияси билан ҳамкорликда имом ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллиги ҳамда Бурҳониддин ал-Марғиноний таваллудининг 910 йиллигига бағишланган илмий семинар бўлиб ўтди. Унда академик Бўрибой Аҳмедов «Имом ал-Мотуридий ҳамда Бурҳониддин ал-Марғиноний яшаган даврларининг қиёсий таҳлили ҳақида», М.Ражабова «Бур-

МОТУРИДИЙНИНГ НЕЧТА АСАРИ БОР?

хониддин ал-Марғиноний асарларининг маънавий-маърифий аҳамияти» ва Д.Бобожонова «Имом ал-Мотуридий асарлари таҳлили» тўғрисида маъруза ўқишди. «Ал-Марғиноний — машхур фикшунос» рисо-ласи муаллифи О.Қориев ўз чиқишида Ал-Марғинонийнинг 11 та асари борлиги ва уларнинг барчаси ислон ҳуқуқшунослиги ҳақида эканлигини таърифлаб берди. Суҳбат якунида талабалар ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилишиб, уларга батафсил жавоб олдилар.

**Фарҳод ИРДАШЕВ,
«Маърифат» мухбири**

ЎЗБЕКИСТОН-ТУРКИЯ:

УЛКАН ЎЗГАРИШЛАР АРАФАСИДА

16 октябрь куни Туркия Президентининг мамлакатимизга ташрифи бошланади. Бу Аҳмет Неждет Сезернинг Ўзбекистонга илк расмий ташрифи бўлади.

Туркия раҳбарлари Ўзбекистонга кўп келган. Умуман, олий даражадаги ташрифлар анъанага айланган, деса ҳам бўлади. Президент Ислоҳ Каримов ҳам Туркияда кўп меҳмон бўлган. Бу олий даражадаги учрашулар, албатта, биринчи галда муҳим сиёсий аҳамиятга эга. Мулоқотлар чоғида тили, дини, тарих ва маданияти муштарак икки халқнинг ўзаро алоқаларини янги замон руҳида ривожлантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилди. Бунинг натижасини биргина иқтисодий соҳа мисолида ҳам кўриш мумкин. Ўтган давр мобайнида Туркия бизга катта иқтисодий шерик бўлиб улгурди. Ҳозир мамлакатимизда турк сармояси иштирокида тузилган 375 корхона фаолият кўрсатяпти. Уларнинг юзга яқини эса тўлалигича туркиялик ишбилармонлар сармояси асосига қурилган.

Ўзбекистон Туркия билан фан-техника, таълим, маданият, спорт, қишлоқ хўжалиги, сайёҳлик, алоқа ва бошқа кўплаб соҳаларда ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Масалан, спорт соҳасида эришилган сўнгги ютуқ сифатида 13-17 июль кунлари Анталия шаҳрида ўзбек кураши бўйича иккинчи жаҳон чемпионати ўтказилганини қайд этиш мумкин. Буни ўзбек курашининг шуҳратини дунёга ёйиш, халқаро миқёсда омалаштириш борасидаги ҳамкорликнинг юксак намунаси, десак муболаға бўлмайди.

Туркия билан муносабатларимиз хусусида гап кетганда, халқларимиз ўзаро мулоқотда ўзини бегона ҳис қилмаслигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўзбекистонга келган турк таржимонсиз, йўлбошловчисиз юравериши, айна шуни Туркияга борганда биз ҳам қилишимиз мумкин. Яқинлигимизни тасдиқ-

ловчи эътиборга молик мисоллар кўп. Дейлик, Туркия музейларга бой мамлакат. Қоидага биноан музейга кириш чиптаси маҳаллий фуқарога арзонроқ, чет элликка қимматроқ нарҳда сотилади. Ўзбекистондан борган сайёҳ эса маҳаллий фуқаро билан бир хил нарх тўлайди. Ажаблансангиз, «нега хайрон бўласиз, ҳаммамиз ҳам туркиймиз-ку, тилимиз бир, шундай экан сиз биз учун бегона эмассиз», мазмунидаги илиқ гаплар айтилади.

Бу ўзаро ҳурмат-эътиборнинг бир кўриниши, холос.

Энди Туркиянинг биз ҳали унчалик яхши таниб улгурмаган янги президенти Аҳмет Неждет Сезер жаноблари ҳақида. А.Сезер мазкур олий лавозимга шу йил май ойида сайланган. Бунинг қизиқ тарихи бор. Ўша вақтда мамлакат ҳукумати анчагина жиддий инқирозга ўз тутган эди. Туркия қонунларига биноан эса давлат раҳбарини Буюк миллат мажлиси (парламент) сайлайди. Сайлов асносида кўплаб партиялар президентликка ўз номзодини кўрсатди. Лекин бирор фракция парламентда мутлақ кўпчиликни ташкил этмасди. Бош вазир Булент Эжевит ўша пайтдаги президент Сулаймон Демирэлни ўз лавозимида қолдириш учун уриниб кўрди. Лекин бу номзод ҳам етарлича овоз ололмади. Шундан кейин ҳеч бир партига аъзо бўлмаган, фаол сиёсатдан анчайин узокроқ номзодгина кўпчилик депутатларнинг рўй-хоҳишига мос келиши аёнлашиб қолди. Бундай холис одам топилди. У - Аҳмет Неждет Сезер — ўша вақтлари мамлакат Конституциявий судига раҳбарлик қиларди.

Президент Ислоҳ Каримов Туркиянинг янги раҳбари билан илк мулоқотини БМТнинг яқинда Нью-Йорк шаҳрида бўлган «Мингйиллик саммити» доирасида ўтказган. Ўша мулоқот чоғида президентлар икки томонлама

алоқаларнинг янги саҳифасини очишга келишиб олди. Олий даражадаги делегациянинг ташрифидан олдин, ички ва ташқи ишлар вазирлари, қуролли кучлар бош штаби вакиллари Ўзбекистонга келиб кетди. Буларнинг барчаси Президентларнинг Нью-Йорк учрашувининг мантиқий давоми эди. Зеро, икки томонни ҳам қизиқтирган масалалар, ташвишга солаётган муаммолар кўп, уларга ҳамкорликда ечим топиш учун дастлаб соҳа вакилларининг алоҳида мулоқоти талаб қилинар эди.

Муаммолар хусусида Ўзбекистон ва Туркия раҳбарларини, айниқса, ҳамфикр қилган халқаро террорчилик хусусида алоҳида тўхталмоқ даркор. Бу муаммо бизнинг минтақага ҳам жиддий хавф солаётгани сир эмас. Айна пайтда бу балони Туркия ҳам бошдан кечираётгани, ҳали-ҳамон унинг айирмачилик ва мутаассиблик кўринишидаги шаклларига қарши курашаётгани ва анча таҳриба орттиргани кўпчиликка маълум. Бинобарин, «бошидан ўтказган — табиб» деганларидек, бу борада айнан Ўзбекистон-Туркия ҳамкорлиги яхши самара бериши тайин. Албатта, минтақамиз мамлакатларининг террорга қарши курашдаги ўзаро ҳамжихатлигидан кўз юмиб бўлмайди. Лекин бу иллат бир минтақа доирасида қолиб кетмаслигини инобатга олсак, унга қарши кураш жуғрофияси қанча кенг бўлса, шунча яхши натижа бериши аёнлашади.

Икки мамлакат президентларининг Тошкентда ўтажак музокаралари чоғида кўп масалалар муҳокама этилиши кутилмоқда. Шу боис томонлар Аҳмет Сезернинг бу ташрифи икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш имкониятини яратади, деб ҳисоблаётганини таъкидлаймиз, холос.

**Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси**

**“КИШ ГАМИНИ
ЎЗДА Е”**

Формула сўзини одатда математика, физика дарсларида эшитамиз. Хўш, унинг ҳайъат мажлисига қандай алоқаси бор? Ёдингизда бўлса, формула бу маълум масалани ечишнинг тайёр усули. Фақат формуладаги ҳарфлар ўрнига ўзингиз хоҳлаган рақамларни қўйсангиз, кифоя. Ечимни топасиз.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг ҳайъат мажлисида муаммоларни аниқлаш, бартараф этиш учун худди шундай йўл изланди. Таълим муассасаларида 2000/2001 йил куз-қиш даврида ишлашга тайёргарликнинг бориши тўғрисидаги масала Тошкент тумани мисолида тахлил этилди.

Фурсат ганиматда бир фикр: сўнгги йилларда таълим муассасаларини капитал таъмирлашга бино авария ҳолатига тушиб қолгандагина қўл урилмоқда. Аслида ҳар бир қурилган таълим муассасаси биноси қанча вақтдан сўнг капитал таъмирланади? Бу маблағларни туман бюджетиде муҳокама қилинаётганда ким ва қандай қилиб ҳимоя қилиши лозим? Халқ таълими мудирининг шу йўналишдаги вазифалари нималардан иборат?

Хўш, Тошкент тумани мисолида кўрилган масала нимани кўрсатди? Келинг, умумтаълим мактабларига мурожаат қилайлик. Туманда 32 та мактаб бўлиб, унинг 18 таси замонавий, қолганлари мослаштирилган бинолардир. Уларнинг 1997-2001 йиллар учун капитал таъмирлаш режа-дастури ишлаб чиқилган. Унга кўра, 4 та мактаб 1997 йилда, 4 таси 1998, 5 тадан мактаб 1999-2000-2001 йилларда таъмирланиши мўлжалланган. Жорий йилни кўшганимизда 18 та умумтаълим мактаби капитал таъмирдан чиқарилиши лозим эди. Бироқ уларнинг бор-йўғи 6 тасида танланма равишда капитал таъмирлаш ишлари бажарилган. Қолган 12 тасида-чи? Эртага улар роқсиз ҳолга келиб қолмайдими? Қолаверса, режани тўлиқ бажармаслик янги-янги муаммоларни келтириб чиқараверади. Бошқа жиҳатдан қаралганда юқоридаги беш йиллик режа номига тузилгандек. Маълумотномага мурожаат қилайлик. Жорий йилда белгиланган тадбирларга кўра туман бўйича 3 та умумтаълим (2, 30, 31) мактаблари биносини капитал таъмирлаш мўлжалланган. Лекин бу мактабларнинг бирортаси 5 йиллик режада йўқ. Бу ҳол муаммонинг яхши ўрганилмаганлигини, мактаблар аҳолини бориб кўрмаслик, юзакилик, лоқайдлик натижасидир.

Режа юзаки тузилган дей-

лик-да, шу йилги, яъни халқ таълими бўлимининг “Тумандаги мактаб, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим муассасаларини янги ўқув йилига ва куз-қиш мавсумига тайёрлаш ҳақида”ги буйруғини тахлилга тортайлик. Негаки бу тадбир ҳар ҳолда эҳтиёжга кўра тузилади. Буйруқ 2000 йил 10 майда қабул қилинган, тадбирлар белгиланган. Унга кўра, 3 та умумтаълим мактаблари ва 8 та болалар боғчаларининг (жами 11 та) биноларини капитал таъмирлаш, 31 та мактаб биноларининг иситиш тизимларини босим остида тозалаш, шунингдек, мактабларнинг 500 кв.метр синган ойналарини алмаштириш ишлари режалаштирилган.

Хўш, натижа қандай? Шу йилнинг 1 октябрга қадар 11 та таълим муассасаларидан 2 тасининг биносиде таъмирлаш ишлари тугатилган, 3 та мактабда таъмирлаш ишлари давом эттирилмоқда. Демак режадаги, яъни эътиборга муҳтож 6 та таълим муас-

ки таълим муассасаси биноларини, томларини, иситиш қозонхоналари ва тизимларини, мактаб жиҳозлари ва асбоб-ускуналарини таъмирлаш учун зарур маблағлар бўйича камчиликлар, тушунмовчиликлар, тумандаги харажатлар сметасини қабул қилиш ва молия бўлимида тасдиқлаш пайтида тақдим этилиши, уни ҳимоя қилиш зарур эди.

Бундай пайтда молия бўлими билан баҳслашилмайди. Чунки туманлар ХТБ мудирларининг аксарияти (албатта ҳаммаси эмас) “Оч қорним, тинч қулгим” мақолига амал қилишади. Тасаввур қилинг, туман халқ таълими бўлими ва молия бўлими идораси биносининг дераза ойналари синиб ётибди, қишда хоналар исимайди. Улар қандай йўл тутадилар, деб ўйлайсиз? Албатта, тез фурсатда чора кўрадилар. Ахир улар совуқдан касал бўлиб қолишса, ким ишлайди? Мактаблар исимаса ахир раҳбарлар совқотишмайди-ку?! Хулоса, азизлар, аниқ — болаларда не айб?

лий дастури”нинг бажарилишига тўсқинлик қилади.

**ТАЪЛИМ МАЗМУНИ
ПОЙТАХТ МИСОЛИДА**

Ҳайъат мажлисидаги иккинчи масала. “Тошкент шаҳридаги таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишдаги жиддий камчиликлар тўғрисида” бўлиб, у ҳам ҳар томонлама тахлилга тортилди, муаммоларнинг бош сабаблари аниқланди.

Тошкент ҳар доим барчанинг нигоҳида. Негаки, у юртимиз юраги — пойтахти. Ундан барча ўрнак олган ва олмоқда. Лекин сўнгги йилларда халқ таълими бўйича у ўз ўрнини бошқа вилоятларга бериб қўймоқда. Буни турли йўналишдаги тахлиллар, текширувлар кўрсатмоқда.

Масалан, шу йилнинг июль ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги назорат бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан А.Икромов, Шайхонтохур, Ҳамза туманларидаги таълим муассасалари ўрганилганда мактаб кутубхоналарида

**ҲАЙЪАТ МАЖЛИСИ
ХУЛОСАСИ ВА ФОРМУЛА**

сасасида таъмирлаш ишлари умуман олиб борилмаган. Синган ойналарни алмаштириш эса, мутасаддиларнинг таъкидлашлари, ота-оналар ва ҳомийлар ёрдамида амалга оширилмоқда. Бироқ ҳали бу иш тугатилмаган, ойнасиз синфхонада шу кунлари дарс ўтиш мумкинми? Маблағ танқислиги сабабли иситиш тизимларини босим остида тозалаш бўйича режалаштирилган ишлар ҳам амалга оширилмаган. Демак, 31 та мактабни меъёрида иситиш гумон бўлиб қолмоқда. Бу ҳолат давлат сиёсатида қарши ҳаракат эмасми? “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, “Соғлом авлод” дастурларига хизмат қиладими?

Навбатдаги савол, албатта, халқ таълими бўлими раҳбариятининг таълим учун маблағларни ҳимоя қила олганлигининг сабабларига бориб тақалади. Тахлилга кўра, 1998 йили 25000000 сўм талаб этилган бўлса, 16260000 сўм ажратилган, 1999 йили 30 млн. талаб этилган бўлса, 14017000 сўм ажратилган, жорий йилда 32532578 сўм талаб этилган бўлса, бор-йўғи 8000600 сўм ажратилган. Эътибор берган бўлсангиз йилдан-йилга эҳтиёж кўпайган, лекин ажратилган маблағ миқдори камайиб борган. Бу ҳақда халқ таълими бўлими ўз вақтида бонг урмаган.

Авалги йилларни қўйлик-да, жорий йилни тахлилга тортайлик. Туман халқ таълими бўлими уч маротаба хат билан туман ҳокимлигига, молия бўлимига ёрдан сўраб мурожаат қилган. Ваҳолан-

Улар сизга ўхшаб бугун ишлаш-маса-да, эртага сиз нафақада дам олаётганингизда, соғлом ўсишган шу жўжиқлар хизматингизда бўлишади, давлатни бошқаришади.

Ҳайъат мажлисидаги тахлил ўзига хос формула. Ҳар бир туман халқ таълими бўлими мудирини ўзини шу формулага қўйиб кўрса жуда фойдали бўларди, деган фикрдамыз.

Халқ таълими вазири Рисбой Жўраев раислигида мазкур ҳайъат йиғилиши талабчанлик руҳида ўтди. Мутасаддилардан ҳар бир камчилик бўйича ечим сўралди. Туман ХТБ мудирини қаттиқ жазоланди. Ушбу ҳайъат йиғилиши барчага йўлланма вазифасини ўташи лозимлиги таъкидланди. Зеро, бу каби ҳолат вилоятларда ҳам мавжуд. Масалан, иситиш қозонхоналарининг таъмирлаш Жиззах вилоятида 50 фоиз, Сирдарёда 60 фоиз, ички ва ташқи иситиш тизимларини таъмирлаш Жиззахда 72, Хоразмда 76 фоизни, томларни капитал таъмирлаш Жиззахда 75, Бухорода 76 фоиз, иситиш тизимини босим остида тозалаш Жиззахда 25, Бухорода 36 фоизни, синган ойналарни алмаштириш Сирдарёда 48, Хоразм вилоятида 34 фоизга бажарилган, холос. Совуқ эса бошланди. Шу ўринда боболарнинг бизга қолдирган ўғитлари яна ёдга тушади: “қиш гамини ёзда е”.

Юқорида таъкидланган камчиликларнинг барчаси ўқиш жараёнига жиддий таъсир кўрсатади. Аниқроғи, “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш мил-

зарур дарсликлар ва ўқув адабиётларининг етишмаслиги аниқланди. Жумладан, шаҳардаги мактабларнинг дарсликлар билан таъминланиши 6-синф учун 47 фоиз, 3-синф учун 33, 5-синф учун 30 фоиз ва 2-синф учун бор-йўғи 17,6 фоизни ташкил этганки, бунинг натижаси ўлароқ кутубхоналарда ҳатто совет даврида чоп этилган, яъни мазмун жиҳатидан мутлақо жавоб бермайдиган дарсликлардан фойдаланилган. Яна бир далил. Давлат тест маркази таркибидеги кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлари ва таълим муассасалари аттестация бошқармаси томонидан шу йил август ойида Тошкент шаҳар умумий ўрта таълим мактабларининг 2000-2001 ўқув йилига тайёргарлик аҳоли ўрганилиб, тахлилга тортилган мактабларнинг аксариятида педагог кадрлар етишмаслиги, юқорида таъкидланган дарслик муаммоси, шунингдек, таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашда қатор камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланган.

Одатда камчилигини инсон ҳамма вақт ҳам сезавермайди. Камчиликлар аниқланибди, халқ таълими мутасаддилари уларни бартараф этиш борасида қандай амалларни ишлаб чиқибдилар, деган саволга жавоб бериш мақсадида Халқ таълими вазирлиги томонидан шаҳарнинг бешта тумани, улар тасарруфидеги 17 та мактаб ва 2 та катталар таълим маркази фаолияти сайланма тарзда мониторингдан ўтказилди.

Tahlil

Уларда нашриётдан чиқмаган дарсликлар ҳисобга олинмаганда таъминот 5-синфларда 56 фоиз, 6-синфларда 72, 7-синфларда 64, 9-синфларда 56 фоиз, таълим рус тилида олиб бориладиган 2-4-синфларда 74-77 фоиз, 6-синфларда 68, 9-синфларда 71, 11-синфларда 73 фоиздир.

Алоҳида дарсликлар мисолида олсак. Таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларнинг 5-синфларида ўқувчилар “География” дарслиги билан 9 фоиз, “Жаҳон тарихи” дарслиги билан 30, 7-синфларда “Жаҳон тарихи” дарслиги билан 28, 9-синфларда “Кимё” дарслиги билан 22, “Ўзбекистон тарихи” дарслиги билан 39 фоиз ўқувчилар таъминланган. Бугун тарихимизни билмай туриб, келажаги буюк давлат қуролмаймиз деган фикр илгари сурилган бир пайтда бу ҳол жуда кечирилмасдир. Ахир ўқувчи тарихни, аввало, дарсликдан ўрганмайдими? Мактабда эшитган сабоқларни дарслик орқали мустаҳкамлайдими?

Ҳайъат мажлисида яна бир камчилик таъкидландики, уни барча таълим муассасалари раҳбарлари ўзларининг шахсий назоратларига олишлари лозим. У ҳам бўлса, ўқувчиларнинг дарсликлар билан таъминланганлик даражаси ўрганилмаганлиги, аниқ ҳисоб олиб борилмаганлигидир.

Юқорида таъкидланган мактабларнинг 6—11-синфларида давомат паст даражада. Ахир дарсда қатнашмаган ўқувчи нима билан шуғулланмоқда? Бу саволга кимдир жавоб бериши керак-ку? Катталар таълим марказларидаги давоматдан ўқиш номига ўтмоқда, деган хулосага келдик. Кузатилган 2 та ана шундай таълим муассасасининг бирида (8-КТМ) 24 фоиз ўқувчи қатнашган. 46-КТМдаги 4 та синфда ҳеч ким келмаганлиги сабабли дарс ҳам бўлмаган, қолган 5 та синфда 29 фоиз ўқувчи дарсда қатнашган.

Шу каби яна қатор камчилик ва муаммолар очиб ташланди ҳайъат мажлисида. Ҳайъат эса қаттиқ талаб билан ўтганлигини таъкидлашни истардик. Зеро, қатъий интизомсиз “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни бажариш мушкул. Ҳайъат мажлиси қарори билан Халқ таълими мутасаддиларига чоралар кўрилди, камчиликларни бартараф этиш учун тадбирлар белгиланди. Эндиги тахлил вазиятининг ижобий томонга ўзгаришини кўрсатади, деган умиддамиз. Зеро, пойтахт бу юртимизнинг жамоли.

Х.САИДОВ

ПОЙТАХТДА “КҮНЧИҚАР ЮРТ МАНЗАРАЛАРИ”

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Япония элчихонаси раҳбарияти билан матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда Япония элчихонаси иккинчи котиби жаноб Такешу Ишихара, “Хуррият” газетаси бош муҳаррири Хуршид Дўстмуҳаммад ва бир қанча журналистлар иштирок этишди.

Тадбирда Ўзбекистонда шу кунларда давом этаётган Япония маданияти кунлари доирасида “Кунчиқар юрт манзаралари” номли фото-кўргазма тақдимоти бўлди. Қизиғи шундаки, ушбу кўргазмани яқиндагина Япония сафаридан қайтган мазкур марказ раиси Амиркул Каримов тайёрлаган эди. У журналистларга Япония сафари ҳақида гапириб берар экан, шу давлатнинг оммавий ахборот воситалари тўғри-

сида кенгроқ тўхталди ва жумладан шундай деди:

— Япония оммавий ахборот воситалари тараққиёти жиҳатидан ҳам ўзига хос ибратли йўлни босиб ўтган мамлакатдир. Бугунги кунда Японияда 400 дан зиёд газета чоп этилади, улардан 108 таси мамлакат бўйлаб тарқаладиган кундалик нашрлардир. Қолаверса, у чоп этиладиган бу газеталар умумий нусхаси жиҳатидан жаҳонда биринчи ўринда туради.

Анжуман давомида қатнашчиларга мамлакатимизда Япония маданияти кунларининг ўтказилишининг мақсад ва вазифалари ҳақида жаноб Ишихара ҳам батафсил ахборот берди.

Баходирхон ЭЛИБОЕВ,
“Маърифат” муҳбири

ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультетида “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг ижодий жамоаси билан учрашув бўлиб ўтди. Ўзбекистон Президенти Давлат маслаҳатчиси, газетанинг собиқ муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев ҳам ташриф буюриб, газетадаги фаолияти балар билан ўртоқлашди. Бош ўринбосари Мурод газетанинг зифаларини налистларга Учрашувда гаҳақида Маҳмуд Сўнг шоирларид, Акбар Жонузоқов, Турсунали Ўрмоновлар янги ёзилган шеърларидан талабаларни баҳраманд қилишди. Энг қизиқарлиси, талабалар ҳам ижодий жамоага шеърини машқларидан ўқиб беришди.

Шерзод АХМАТОВ,
“Маърифат” муҳбири

Маҳмуда Валиева ҳақида гап кетгудек бўлса, маҳалладошлари, мактаб жамоаси, шогирдлари тиниб-тинчимас муаллима, дейишади.

Дарҳақиқат, опани гоҳ ўқувчилари орасида, гоҳ ота-оналар олдида, гоҳ газета ва журналлар таҳририятларида, гоҳ катта-кичик йиғинларда учрата-сиз. "Чарчамаяпсизми?" деган саволингизга "Чарчашга вақт йўқ", дейди кулиб. Ўқувчилари тўғрисида сўз очсангиз, "Ўғил-қизларим — менинг фахрим, жону дилим", дейди. Зотан, устозлик мартабасига эришган муаллимадангина ана шундай ман-

ТИЛЛА ЗАНЖИР

Мактабда дарслар оралиғидаги кичик танаффуслар беш дақиқа, холос. Синф журналларини алмаштиришгагина улгурасиз. Шунда ҳам орқангиздан ўқувчилар келиб, зарур иш билан уйга рухсат сўрайди, баъзан ёзма иш дафтари топириб кетади, жуда бўлма-са дарс жадвалида ёзиб қўйилган бўлса-да, нима дарс бўлишини сўрайди. Ҳа, бола-да, нима деймиз, жавоб қайтарамиз, уйга ёки "мазаси йўқлиги учун" "дўхтир"га рухсат берамиз, астойдил кетмоқчи бўлганлари рухсат тегмаса ҳам кетаверади.

Хуллас, ўқитувчига танаффусда ҳам тинчлик йўқ. Ўрганиб кетганмиз.

Эндигина дарсдан чиқиб, стулга ўтирган ҳам эдимки, ўзим раҳбарлик қиладиган синфимнинг қизлари чақириб қолишди. Чиқиб қарасам, Манзура исмли ўқувчим яسانيб олган, бўйнида иккита тилла занжир, сочлари ҳафса билан жингалак қилинган, қувончдан кўзлари порлаб турибди, атрофида сипо кийинган синфдошлари. У шошиб-пишиб мендан жавоб сўради: — Устоз, тезгина уйга бориб келай!

— Уйга борсанг, адангни ё ойингни ҳам чақириб кел, бу нима юриш? Мактанчоқлик ҳам эвида-да! Сени синфбоши қилиб, мактаб талтайтириб юборибман. Эссиз!

Шундай дедим-да, қолган қизларга ҳам қарамай дарсга кириб кетдим. Кейинги соатда синфимга кирсам, Манзура тақинчоқларини ечиб, сочларини йиғиштириб олган, фақат кўзлари йиғидан қизариб кетганди. Азиза исмли ўқувчим стол устига катта торт қўйди ва "Бугун Манзуранинг тугилган куни эди. Кеча уйларига меҳмонлар келиб қолишибди, уларни кузатгач, ярим кечагача торт пишириб безабди, бир оз қотсин, деб эрталаб опчиқмаган экан, энди табриклашга рухсат беринг", — деб қолди. Ялт этиб Манзурага қарадим. У бошини эгиб ўтирарди. Бир кўнглим кечирим сўрасаммикан, дейди... Йўқ, унда қолган қизлар ҳам тугилган кунда безаниб чиқишни одат қилиб олишади.

— Уйда ким бор экан, Манзура?

— Ҳеч ким йўқ эди. Ҳаммалари ишга кетишган. Кўнғироқ қилиб бўлган воқеани айтганим, ойим урушиб бердилар. Чиқиб синф раҳбарингдан уэр сўра, тақинчоқни катта бўлганимда тақасан, дегандилар-ку аданг. Мен ишдан кейин учрашиб кетаман, унганча мактабга чиқ, — дедилар ойм. — Устоз, мени кечиринг!

Манзурани бағримга босдим ва "Яхши отга бир камчи" дегани шу, дея табрикладим. Синфдошлари ҳам кетма-кет илиқ тилаклар билдирдилар. Манзуранинг кўзлари яна порлади, аммо тилла занжирсиз. Менинг ҳам кўнглимдан гашлик тарқади, ўқувчимнинг тилла занжирсиз, ёшликнинг бетакрор хусни таралиб турган пардозсиз юзини кўриб.

Қанийди, барча ота-оналар ҳам ўқитувчини тўғри тушуниб, унинг гапларини маъқулласа. Мактабимизда бир қиз бор, доим қулоғида 2-3 та зирак, қўлларида узук, юзида пардоз, бир қарич юбка. Ҳеч йўлга сололмадик. Онаси қизининг дугоналаридан айтиб юборибди: занжир, зирак, узук — қизлар тақинчоғи, ўз пулимга олиб берганман, чиройли кийиниб юрса, яйрайман, ҳадеб қизимни урушишмасин. Начора, қизни урушиб бефойда, онани эса тарбиялаб бўлмайди. "Қарс икки қўлдан чиқади" деганларидек, ота-она ва устоз сўзи бир ердан чиқса, тарбияли фарзандлар камол топади.

"СЕН"МИ ЁКИ "СИЗ"

Яқинда дарсимни кузатиш учун мактабимиз психологи 11-синфларга кирди. Дарсдан сўнг ўқувчилар жавоби, дарс услуби, синфдаги интизом ўзига маъқул бўлганини айтиб, шундай деб қолди:

— Хафа бўлмайсизми, бир камчилигингиз бор экан, нега ўқувчиларингизни сенлайсиз?

— Авваллари сизлар эдилар, — дея гапга қўшилдилар Раҳим ака. Ўша ўқувчилари бугун уларни сийлаб учрашувга чақирибди. Келиним ҳам шу синфда ўқиган. Муомаласи ширин, учрашувга боришга бизни кўндирди.

Лоп этиб 12 йил аввал мактабни битирган ўқувчиларим кўз олдимга келди ва шоша-пиша учрашувга отландим. Йўлай-йўлақай мактабга келган илк кунларимни хотирладим.

Янги ишга келган вақтимда мактаби-



тикли жавобни, самимиятни ва меҳрни кутиш мумкин.

Дарвоқе, Маҳмуда Валиева Ўқитувчилар ва мураббийлар куни арафасида соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ишига қўшган муносиб ҳиссаси ва фидокорона хизматлари учун II даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан тақдирланди. Биз ҳам тиниб-тинчимас, фидойи инсон Маҳмуда Валиевани юксак мукофот билан қутлаб, унинг навбатдаги мақоласини муштарийлар ҳукмига ҳавола этаётимиз.

ЭРКСИЗ ЭРКИН

Ўтган йили синфимизга янги ўқувчи келди. Кичкинагина, кўзингизга жовдираб қараб туради, дид билан озода кийнади, аммо кўп дарс қолдириб, тез орада "интизомсиз" деб ном олди. Фанларни ҳам яхши ўзлаштири ол-

магани сабабли мактабдан кетказмоқчи бўлди. Онаси шароитни тушунтиргач, ўқишини давом эттиришига рози бўлди. Эркиннинг отаси иккинчи гуруҳ ноғирони, беш мартаба жарроҳлик операциясидан омон-эсон чиқиб, кучли наркоз таъсири туфайлими, касаллик туфайлими асабий бўлиб қолган экан.

Ўқув йили охирида у кўринмай қолди. 3 кундан сўнг мактабга онаси йиғлаб келди ва Эркин йўқлиги қолганини айтди. Маълум бўлишича, Эркин пул топиш мақсадида ўртоқлари билан бозорда машина қисмлари сотишга бораётган экан. Кечқурун кўчада ўртоқлари билан "SEGA"

валроқ очикчасига гаплашганимда бу йўлдан қайтаролган бўлармидим? Афсус, кеч бўлди дейишдан Аллоҳ арасин. Эркин мактабга қайтишига ишонман ва барча устозларга ўқувчингиз қалбига қулоқ тутинг, дегим келади.

«ИККИНЧИ ЕРЁНҒОҚ ЕМАЙМАН»

1992 йилларда бўлса керак, синфдан ташқари ўқиш дарсида "Шарқ юлдузи"да эълон қилинган "Ватан ҳақида 7 ривоят" асари билан танишдик. Ривоятлар ўқувчиларга жуда ёқди, айрим ривоятларни сахналаштириб туман семинарида очик дарс ўтказишни режалаштирдик. Дарсни ноанъанавий усулда ўтказиш мақсадида синф ўқувчиларини мухбирлар, санъаткорлар, тилшунослар, олимлар гуруҳига ажратиб ва-зифалар топширдим. Мухбир, яъни 10-синф ўқувчиси Дурдона асар муаллифи билан суҳбатлашиб, оҳанграбо тасмасидан суҳбатни эшиттириши лозим эди. Шоир Хуршид Давронга кўнғироқ қилиб, ниятимизни айтдим. Хуршид ака Сирғалида яшашларини, уйлари узоқ бўлгани учун радиода учрашимизни айтдилар. Белгиланган куни Дурдона билан магнитофонни олиб, йўлга чиқдик. Дурдона менга ерёнғоқ берди, чақилган ерёнғоқни маза қилиб еб кетдик. Овозимиз бўғилиб қолмасин, деб сув ичмадик. Радиода бизни Хуршид ака ва Тоир Юнусовлар кутиб олишди. Тўртинчи қаватдаги кичик бир хонада суҳбатни бошладик. Эшик очилиб-ёпилиб, суҳбатга халал бераётганини кўрган Тоир ака эшикни қулфлаб қўйдилар-да, бемалол суҳбатлашаверинглар, деб "Шеърый лаҳзалар"ни тайёрлашга кетдилар. Бирдан мени йўтал тутта бошлади. Стол устида чой ҳам йўқ, ташқарига чиқай десам, эшик қулф. Хуршид ака ва Дурдона нима бўлди дегани сари хижолатликдан баттар йўтал тутьпти. Бир амаллаб суҳбатни ёзиб олдик. Хуршид ака кўплаб шеърлар ўқиб бердилар, ёш мухбирнинг саволларига эринмай жавоб бердилар, китобларидан дастхат ёзиб бизга совға қилдилар. Семинарга келган ўқитувчилар ҳам суҳбатни мириқиб тингладилар, қизиғи, тажрибасиз ёш «мухбирча» яхши монтаж қилмаган экан, суҳбатнинг охиридаги "Иккинчи ерёнғоқ емайман" деганим ўчирилмай қолган экан. Кўпинча "Нега шундай дегансиз?" деб сўрашадди. Сирни оча қолай, Дурдона "Устоз, йўталиб чарчаб кетдингиз, мана, озгина ерёнғоқ қолганди, шуни енг", — деб қўлимга бир ҳовуч ёнғоқ тутаяпти, денг.

"Нега йўталганимни билмадингми, ерёнғоқ пўсти ёпишиб қолган, ол-е, иккинчи ерёнғоқ емайман" деганимда сўнги сўз магнитофонга ёзилиб қолган ва ўчирилмаган экан. Ҳа, озгина эътибор билан суҳбатни тинглаб, зарур ўринларни қолдирганимда изза бўлмасдим. Яхшиямки, бу гап семинарда эмас, ўқувчилар билан суҳбатни қайтадан тўлиқ эшитаётганимизда янграб қолди.

Азиз ҳамкасбларим! Мен воқеаларни қандай бўлса, эътиборингизга шундайлигича ҳавола этдим. Сизнинг ҳам кўнглингизда айтар сўзингиз, маслаҳатларингиз, ибратли воқеалар бордир! Масофа узоқ бўлса-да, бизларни суюкли нашримиз — "Маърифат" яқинлаштириши, шубҳасиздир.

Маҳмуда ВАЛИЕВА,

Юнусобод туманидаги 274-

мактабнинг олий тоифали она тили

ва адабиёти ўқитувчиси

ЎҚУВЧИЛАР ҚАЛБИГА ҚУЛОҚ СОЛАЙЛИК

ёхуд мактаб ҳаётдан айрим лавҳалар

миз директори Убайдулла Маҳамов менга катта ишонч билдириб, 4 та 8-синфни топширган эдилар. 8-"А" синфига раҳбарлик ҳам қила бошладим. Ўзим ёш бўлганим учунми, ўқувчиларим менга катта кўринишди ва уларга сизлаб мурожаат эта бошладим. Икки кундан сўнг синфбоши Латофат ёнимга келиб: "Бизни сизламанг, мактабда ҳеч ким сизламайди, сен десангиз яқинроқ бўламиз", — деди. Устига-устак 8-"В" синф раҳбари ҳам ўқувчилар ёнида "Болаларни сизламанг, бошингизга чиқиб олади, нима сизлаб "Овозингизни ўчиринг дейсизми?" - деб қолдилар.

— Ундай дейиш ниятим йўқ, ҳаммаси яхши болалар, булар сиз дейишга лойиқ, — дедим.

Ҳақиқатан ўша синфим ўқувчиларини сенламадим, овозимни ҳам баландлатмадим, ҳозир ҳам сизлайман.

8-"В" синфида бир ўқувчи бўлиб, ҳамма ўқитувчилар ундан безор эди. Бир куни дарс ўтишимга халақит бераверди ва чи-долмай сенлаб уришиб юбордим. Кутилмаганда у йиғлаб юборди ва "Урсангиз ҳам майли, фақат сенламанг", — деди. Ана, сен ва сизнинг фарқи, сиз дейишнинг қудрати!

Негадир, шуни тушуна туриб, камчиликка йўл қўйдим. Улар 11-синфни тугатгач, 5-синфга раҳбарлик қила бошладим, янги ўқувчиларим кўзимга кичик кўринди-ми, ўқитувчилар танбехими, сенлай бошладим. Аммо ҳануз сенлаганимга, сизлай олмаслигимга ачинаман. Балки ёш ўқитувчилар бундан ўзларига хулоса чиқарарлар. Баъзи устозлар очик дарсларда, семинарда ўтказилаётган дарслардагина ўқувчиларига сизлаб мурожаат қиладилар, қолган вақтда сенлайдилар. Бунда сохта мулозамат, "хўжакўрсин" қабилида иш тутиш ўқувчини ўқитувчидан узоқлаштиради, холос.

"Сен" ҳам, "сиз" ҳам бир оғиздан чиқади, яхшиси "Сиз" маъқулдир? Яна билмадим, ҳар кимнинг ўз фикри бор, бах-лашайлик, фикр алмашайлик. Зеро, ҳақиқат баҳсларда тугилади, деб бежиз айтишмаган.

йўнаётган жойда отаси кўриб қолади. Мактабга бормаётганини эшитиб, уни калтаклай кетади. Ўртоқлари олдида изза бўлган Эркин қочиб кетади ва уйга қайтмайди. Онаси ўғлим синфдошлариникидан бириникида турмаётганимдан, деб сўраб келди. Ҳеч ким кўрдим, демади.

Орадан 10 кун ўтиб синфдошларидан бири уни Сирғали бозорида кўрганини, Эркин ўша ерда тунаб юрганини айтди. Онаси бечора зўрға уни топиб келди. Лекин Эркинда ўзгариб бўлмади, дарс қолдираверди. Биз уни синфда қолдирдик, ўқув йили бошида келиб, яхши ўқишга ваъда берди, бироқ ваъдасининг устидан чиқмади. Охири у билан холи гаплашдим:

— Онангга ачинмайсанми? Неча кунлаб сени қидирдилар? Ёки касалманд отангга раҳминг келмайдимми?

— Устоз, мени ҳам тушунинг. 5 ёшгача ота меҳрини билмай ўсдим. Бир яшарлигимда Адам қамалиб кетган эканлар. Қамокдан эса ошқозон яраси касаллигини орттириб келдилар. Оғриққа чидолмай, кучли дориларни ичардилар. Қаттиқ асабийлашиб, аламларини онамдан оладилар. Сабабсиз онамни, мени калтаклайдилар. Кечалари ухламай чиқамиз. Вақтида дори бермасак, тиришиб, қўл-оёқлари тортишиб қолади. Кўзларига ҳеч нарса кўринмайди. Кейинги вақтларда дори-га ҳам пул етказолмай қолдик. Адам тинчисинлар, деб пул топишга ҳаракат қиламан. Биргина оймнинг ойликлари биздан ортмайди. Сиз ойингни чақириб кел, дейсиз, қандай келсинлар, юзлари моматалоқ, кўкариб ётибди. Ўтган куни дори тополмадик, адам ҳамма идишларни синдириб, роса тўполон қилдилар. Қўшиллардан уяламан. Онамининг аҳволига ачинаман. Мен адамга дори учун пул изласаму, адам ўртоқларим олдида ҳақорат қилиб урсалар. Яшашдан ҳам тўйиб кетдим.

Мен унинг кўзидаги ёшни артиб, кўнглини кўтардим. Адаси даволанса, тузалиб кетишини айтдим. Аммо Эркин гапларимга ишонмади чоғи, хўрсиниб қўйди. Мана, ўн кунки, у яна йўқ.

Эрксиз Эркиннинг қалбига аввалроқ қулоқ тутмадим, бу хусусда у билан ав-

ЎЙИНЧОҚЛАР — МАЪНАВИЙ САЛОМАТЛИК ОМИЛИ



Ўйинчоқлар — болаларни ўйлашга, излашга, идрок этишга ўргатиб, уларда диққатни, хотирани ўстириш билан бирга мантикий тафаккурни ривожлантиради. Мактабгача таълим ходимлари малакасини ошириш бўйича доимий ҳаракатдаги республика курси қошида кўп йиллардан буён “Ўйинчоқлар кўргазмаси” фаолият кўрсатиб келаётир. Унинг асосий вазифаси, ноёб ўйин воситалари ва ўйинчоқларни йиғиб, мактабгача таълим муассасалари ходимларига тарғиб қилиш, унутилаёзган миллий ўйинчоқлар турларини сақлаб қолиш, уларни янада тақомиллаштириш, тарбиячилар томонидан яратилаётган юксак дидактик имкониятларга эга бўлган ўйинчоқ турларини оммавий тарзда ишлаб чиқиш учун саноат корхоналарига тавсия этишдан иборат.

Мустақиллик шарофати туфайли мактабгача таълимда ҳам янги ўқув дастурлар, қўлланмалар, низомлар яратилди. Мазкур ҳужжатлар мазмунига миллий қадриятларимиз, халқ педагогикасининг бетакрор дурдоналари

ниб келмоқда.

Орадан ўтган олти йил мобайнида 2000 дан ортиқ замонавий миллий ўйинчоқ турлари тўпланди. Таниқли безакчилар, ўйинчоқ усталари, халқ амалий санъатининг намояндalarидан иборат ҳакамлар ҳайъати ана шу ўйинчоқлардан 24 тасини саноат корхоналари орқали оммавий тарзда ишлаб чиқишга тавсия этди. Қолган ўйинчоқлар курс қошида ташкил этилган “Ўйинчоқлар кўргазмаси” да сақланаётир. Мазкур кўргазма курс тингловчиларига ўйин ва ўйинчоқлар воситасида машғул олиб боришни йўлга қўйишда ўзига хос методик марказга айланган. Бу методик марказ мазмунини тубдан ўзгартиришга, янги педагогик технологияни жорий этишга, мактабгача таълим муассасаларида ривожлантирувчи муҳитни яратишга ижобий туртки бўлмоқда. Шунингдек, курс тингловчиларини янги яратилаётган дастурлар, қўлланмаларни амалиётга татиқ этиш борасида зарур бўлган замонавий ўйин ва ўйинчоқ турларининг янги авлодини яратиш, ёш авлодни эса маънавий соғлом қилиб тарбиялашда муҳим омил бўлиб хиз-

турувчи республика курсида “Ўйинчоқлар — маънавий саломатлик омили” мавзуида республика кўрик-танлови бўлиб ўтди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар мактабгача таълим муассасаларидан 56 намунадаги ўйинчоқлар, 4 турдаги кўғирчоқлар кўргазмага қўйилди. Кўрик-танлов иштирокчилари болалар боғчаларининг тарбиячилари, ота-оналар, халқ ҳунармандлари, саноат корхоналарининг усталари ва ҳаваскор ўйинчоқ ясовчилардир.

Кўрик-танловни республика халқ таълими вазири Рисбой Жўраев кириш сўзи билан очиб, жумладан шундай деди:

— Ҳурматли анжуман иштирокчилари, азиз тарбиячилар! Бола ва ўйин тушунчаларини бир-бирисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Мурғак инсон ўйин жараёнида шаклланади. Тарбияда насихатлардан кўра ўйинларнинг ҳиссаси кўпроқ бўлади. Ўйинлар кичкинтойларни ҳаёт ҳақидаги тасаввурларини бойитиб, унинг келажак умрига замин ҳозирлайди. Аждодларимиз: ўйинчоқлари ибтидоий бўлган миллатлар болалари ҳам ибтидоий бўлади, деган ҳикматни унутмаганлар. Шу боис, уларни нафис (эстетик) тарбия воситаси ҳам деб билганлар. Афсуски, ҳозир оммавий тарзда ишлаб чиқарилаётган ўйинчоқлар на давр, на миллий-маданий тарбия талабига жавоб беради. Демак, ўйинчоқларни миллийлаштириш ва инсонийлаштириш асримизнинг муаммоларидан бирига айланди. Республикада бу борада талайгина ишлар амалга оширилаётир. Жумладан, ўзингиз шоҳид бўлиб турган ўйинчоқлар кўрик-танловидир.

Кўрик-танловга мавзу ва бадий жиҳатдан турлича бўлган, педагогик ҳамда гигиеник талабларга жавоб бера оладиган турт йўналишдан иборат ўйинчоқлар тавсия этилган. “Болаларнинг мантикий фикрлашларини ривожлантирувчи ўйинчоқлар”, “Муסיқавий-ҳаракатланувчи ўйинчоқлар”, “Замонавий электрон ва механик ўйинчоқлар”, “Табиат билан таништирувчи экологик ўйинчоқлар” шулар жумласидандир. Муסיқавий ҳаракатланувчи ўйинчоқлар болаларда нафис ҳис-туйғулар уйғотиб, кайфиятни кўтаришга ёрдам берса, она-табиат билан таништирувчи ўйинчоқлар эса болаларда табиатга қизиқиш ва муҳаббат уйғотиб, унга эҳтиёткорона муносабатда бўлишни тарбиялайди.

Кўргазмада намоиш қилинган ўйинчоқларнинг педагогик-психологик, гигиеник, эстетик, ақлий, ахлоқий томондан бугунги кун талаблари асосида яратилганлигига алоҳида эътибор берилди.

Сурхондарё вилояти

Жарқўрғон туманидаги 1-болалар боғчаси тарбиячиси Шаҳри Бердиева “Шахмат” ва “Сумалак” композициялари, Фарғона вилояти Бувайда туманидаги 10-болалар боғчаси тарбиячиси Азиза Курчиева “Ўрдаклар”, “Бешик кичкинтой билан” ва бир қатор композициялари, Самарқанд вилояти Самарқанд туманидаги 13-болалар боғчаси катта тарбиячиси А.Иноятова “Ҳумо қушлар” композицияси, Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли туманидаги 5-болалар боғчаси тарбиячиси Ўлжон Илясова “Ўтов” ўйинчоғи учун I даражали диплом ҳамда 20 минг сўм пул мукофоти билан тақдирландилар.

Бухоро шаҳридаги 71-болалар боғчаси тарбиячиси Р.Му-

рок этган ижодкор тарбиячиларга “Халқ таълими аълоҳиси” кўкрак нишони ҳамда рағбатлантирувчи мукофотлар топширилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Фуломова, Республика “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси бошқаруви раиси Ойниса Мусурмонова, ХТВ таълим-савдо бош бошқармаси бошлиғи Баҳодир Ҳамидовлар сўзга чиқишиб, кўрик-танлов ғолиблари ва барча иштирокчиларни бугунги ютуқлари билан табрикландилар.

Кўрик-танловнинг мазмуни ва муваффақиятли ўтишида Республика Халқ таълими



ханмедзянова “Бахтли кун” композицияси, Андижон вилояти Асака шаҳридаги 15-болалар боғчаси тарбиячиси М.Собирова “Сумалак” композицияси, Андижон вилояти Пахтаобод туманидаги 11-болалар боғчаси мудираси О.Фуломова “Дамас” ўйинчоқ автомобили, Тошкент вилояти Тошкент туманидаги 16-болалар боғчаси тарбиячиси Р.Тўрахонова “Овозли ўрдак”, “Спортчилар” композицияси, Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги 3-болалар боғчаси тарбиячиси Н.Шамиева “Бешик тўйи”, “Зумрад ва Қиммат”, “Телевизор” каби ўйинчоқлари учун II даражали диплом ҳамда 15 минг сўм пул билан мукофотландилар.

И.Осипова (Навоий шаҳар, 8-болалар боғчаси) “Шарқ таронаси” композицияси, М.Бобожонова (Урганч шаҳар, 33-болалар боғчаси) “Тошбақа” ўйинчоғи, Р.Маматова (Қамаши тумани, “Зилола” болалар боғчаси) “Тўтиқуш” ўйинчоғи, Х.Холиқова (Тўрақўрғон тумани, 7-“Бойчечак” болалар боғчаси) “Буюк сиймолар” лой иши композицияси, Л.Пак (Қўнғирот тумани, 11-болалар боғчаси) “Қорақалпоғистон келажак” композицияси учун III даражали диплом ҳамда 10 минг сўм пул билан мукофотландилар.

Кўрик-танловда фаол ишти-

вазирлиги, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси, “Дийдор” фирмаси, “Шарқ-мир” қўшма корхонаси, “ЮНИСЕФ” Халқаро болалар жамғармаси, “ЭКОСАН” республика жамғармаси, “Омон-нур” хусусий фирмаси, ОАО “Ўзметаллсавдо”, Собир Раҳимов туман ҳокимияти, “Ситора” хусусий фирмаси, Тошкент шаҳар ободонлаштириш бош бошқармаси, Аброр Ҳидояттов номидаги ўзбек Давлат драма театри ҳомийлик қилдилар.

Кўрик-танлов ғолиблари ҳамда иштирокчиларига қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Анжуманда Равшан Комилов, Анвар Санаев, Сайёра Қозиева, Комилжон Йўлдошев, Шўхрат Қаюмов каби таниқли хонандалар дилрабо кўшиқлари, “Қизиқчи—92” кўрик-танлови ғолиби Раҳимжон Солиев эса ҳазил-мутойибалари билан йиғилганларни хушнуд этдилар.

Дилбар ХЎЖАЕВА

Суратларда “Ўйинчоқлар — маънавий саломатлик омили” мавзуидаги республика ўйинчоқлар кўрик-танловидан лавҳалар акс эттирилган.

Бурхон РИЗОКУЛОВ олган суратлар



чуқур сингдирилган. Уларни таълим мазмунига самарали тарзда олиб киришни миллий ўйин ва ўйинчоқларсиз тасаввур этиш мушкул. Мана шу масалани ижобий ҳал қилиш мақсадида 1994 йилдан бошлаб мактабгача таълим муассасаларида “Севили ўйинчоқлар” кўрик-танлови ўтказиш анъанага айла-

мат қилиши, табиий. Шунингдек, “Соғлом авлод” Давлат дастурининг бажарилишида ҳам муҳим қадамдир.

Халқ таълими вазирлиги, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси ҳамкорликда Соғлом авлод йили муносабати билан мактабгача таълим ходимлари малакасини ошириш бўйича доимий ишлаб

Кумкўрғон бизнес мактабида таълим олаётган 500 нафарга яқин талабанинг 25 фоизини маҳаллий кизлар ташкил этади. Талабаларнинг 45 фоиздан ошиқроғини енгил саноат, 25 фоизини эса хизмат кўрсатиш ва тadbиркорлик, 25 фоизини қишлоқ хўжалиги ва 10

фоизини миллий хунармандчилик касбларини ўрганаётган ёшлар ташкил этади.

Мавжуд барча фан ва касб хоналари давр талаблари асосида жиҳозланган. Билим юртидаги замонавий компьютерлар билан жиҳозланган хоналар, лингафонли тил ўрганиш хоналари, енгил

Ta'lim + ishlab chiqarish

эга. «Бўёқларни қуришиш цехи»ни ҳам ишга тушурдик. Биласизми, ҳозир мавжуд ўша 63 та тўқув машинамиздан атиги 25 фоиз фойдаланаяпмиз. Агар ана шу тўқиш машиналаримизни бир «смена»да бўлсада, тўлиқ ишлатганимизда кунига 2 минг метр мато тўқиган

бўлардик. Афсуски, ип йўқ... Талабаларнинг қўли келиб қолган. Машиналарни бинойидек ишлатишиб мато тўқишайпти. Афсуски, қатор-қатор тўқиш машиналари хом ашё тақчиллигидан қуруқ савлат тўқиб туришибди.

Нима бўлганда ҳам Кумкўрғон бизнес мактабида жуда-жуда катта ишлар ниҳоясига етказилган. Бир сўз билан айтганда касб-хунар мактаби қошида мактабнинг ўз йўналишига мос «кичик фабрика» дунёга келган.

— Билмадим, энди нима қилсак экан, — дейди бизнес мактаби директори Ўроғ ака Мардонақулов ўйланиб. — Шунча меҳнат қилганмиз. Ўйлаб юрибман, «пахтани титиб, савалаш цехи»ни очишимиз керак. Ўшанда бизга фақат пахта керак бўларди, холос. Ўзимиз пахтани титиб, савалардик, йигирардик, тўқиб, гул босиб, матони тикиб, тайёр маҳсулот қилиб, сотаверардик...

Ҳар қалай бу ишга фақат Кумкўрғон бизнес мактаби жамоасининг бир ўзгинаси эмас, балки уларнинг асосий ҳомийси ҳисобланмиш «Сурхонтекстиль» комбинати, қолаверса, Кумкўрғон туман ҳокимлиги, ўз навбатида, Сурхондарё вилоят ҳокимлиги ва вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси ҳамкорликда иш юритиб, кумкўрғонлик ёш бизнесчилар «фабрика»сининг тўла қувват билан ишлашига эришмоқ керак.

Абдували ОБИДДИН,
«Маърифат»нинг
ўз мухбири

КУМКЎРҒОННИНГ
КАСБ
КЎРҒОНИ



саноат маҳсулотларини қайта ишлаш, қурилиш, маиший хизмат кўрсатиш, тўқимачилик, тикувчилик, бичувчилик, миллий хунармандчилик бўйича ташкил этилган хоналарда айтиш мумкинки, ростакамига ижодкорлик руҳида меҳнат қилинган.

Яқиндан бошлаб эса, касб-хунар мактаби қошида тўқувчилик, бичувчилик ва матоларни пардозлаш, тикувчилик цехлари ёппасига ишга тушди. Ҳамма-ҳамма цехларда талабалар қўли қилган ишлар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга нисбатан аҳолининг эҳтиёжлари юқори. Негаки, талабаларнинг маҳсулотлари биринчидан сифатли, иккинчидан анча арзон.

— Айни кунда тўқиш, бичиш, пардозлаш ва тикиш цехларимиздан ўтиб аҳоли қўлига

етиб бораётган фартуклар, автомобил ёпғичлар, йўлсозларнинг уст-бош кийимлари, иш қўлқоплари, чойшаблар, болаларнинг енгил кўйлақлари, арқонлар ва тайёр бўз, сурп, дока матоларимизга буюртмаларлар кўп. Биз айни кунда 15 турдаги маҳсулотларимизни савдога чиқараяпмиз, — дейди бизнес мактаби директори Ўроғ ака Мардонақулов. — Бизда керакли имкониятлар тўла яратилган. 63 та тўқув дастгоҳимиз иш ҳолатида жиҳозланган. Тикувчилик цехимизда 40 та замонавий тикув машиналари ўрнатилган. Бичувчилик цехи тўла жиҳозланган. Ҳатто тугма қадаш машиналаримиз ҳам ишляпти. «Матоларга бўёқ босиш ва пардозлаш цехи»ни ҳам ишга туширдик. Польша республикасида ишлаб чиқилган «Джигир» русумли бўёқ босиш машинамиз бир «смена»да 6 минг метр матога бўёқ босиш кудратига

Республикамизда таълим тизими-ни ислоҳ қилиш ишлари жадал амалга оширилаётган бир пайтда мутахассис кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга катта эътибор берилганлиги қувонарли ҳол. Бу борада ривожланган хорижий давлатлар билан ҳамкорлик ўрнатиб, уларнинг иш тажрибаларини ўрганишда республика «Устоз» жамғармаси хизмати эътиборга лойиқ. Шу йил июль ойида «Устоз» жамғармаси томонидан республикамиздаги ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналиши бўйича 35 нафар ўқитувчи тажриба алмашиш мақсадида Канада давлатида бўлиб қайтдилар. Шулардан 5 нафари самарқандлик ўрта махсус, касб-хунар таълими мутахассислари эди.

Самарқанд вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармасининг инновация ва илғор педагогик технологиялар бўлими бошлиғи, республика «Устоз» жамғармаси гранти совриндори Муҳиддин Болиев мухбиримизга Канада сафари ҳақида қуйидагиларни гапириб берди:

— Канада сафари менда унутилмас таассуротлар қолдирди. Бизни Канаданинг Ново Скоша вилояти маркази Холифакс шаҳрида канадалик ҳамкасбларимиз Вальтер Фруз ва Жорж Мак Лин оиласи кутиб олишди. Холифакс шаҳридан Труро шаҳригача автобусда бордик ва Коммунити Коллежининг талабалари ётоқхонасига жойлашдик.

Эртаси куни ҳамкасбларимиз ҳамроҳлигида Канаданинг хушманзара гушаларидан бўлган беш Исланд оролига бордик. Атлантика океанида қайиқда сайр қилдик. Кейин бир ой давомида режалаштирилган дастур асосида қизиқарли машғулотлар, маърузалар ва давра суҳбатлари, амалий машғулотларда қатнашдик.

Бу ердаги касб-хунар коллежлари тўлиқ янги технологиялар билан жиҳозланган бўлиб, талабаларнинг чуқур билим олишлари учун барча шароитлар муҳайё этилган. Таълимга сарфланган маблағнинг 50 фоизи давлат, қолган қисми ҳомий ташкилотлар (компаниялар, завод-фабрикалар) ҳисобидан қопланади. Мутахассис кадрлар тайёрлаш пуллик-шартнома асосида бўлиб, имтиёзли давлат грантлари жуда кам

ЁШЛАР УЧУН МУҲИМ УЧРАШУВ

Огоҳлик... Бу сўз бугун барчага таниш. Унинг замирида инсоннинг, юртининг, миллатнинг хавфсизлиги ётади.

Андижон вилоятидаги Булоқбоши иқтисодиёт касб-хунар коллежида туман ҳокимлиги, прокуратураси, ички ишлар бўлими, «Нуроний» жамғармаси ҳамкорлигида «Диний экстремистик оқимларнинг жамиятга таъсири» мавзусида учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда Ўзбекистоннинг бугунги тараққиётини кўра олмаётган ғараз ниятли диний экстремистик оқимлар ўзларининг қора мақсадларига ҳеч қачон ета олмасликлари, бугунги кунда «хизбуттаҳрир» диний оқимига мансуб бўлган фуқароларнинг ғайриқонуний ишлари ва уларга нисбатан жазо чоралари кўрилатганлиги

ҳақида айтиб ўтилди.

Жумладан, Булоқбоши тумани ҳокимлигининг ижтимоий ишлар бўйича ўринбосари М.Юсупов шундай деди:

— Туманимизда шу йил иқтисодиёт йўналишида касб-хунар коллежининг бунёд этилиши ёшларнинг билим олиши ва касб-

даги ўрнини ҳар томонлама билиши шарт. Ана шундагина ёшлар ҳар хил диний экстремистик оқимларнинг нопок ишларига бефарқ қаролмайди, ўз Ватанига муҳаббат, меҳр-садоқат ҳамда фидокорлик намуналарини кўрсатади.

Учрашув давомида коллеж талабалари билан жонли мулоқот ўтказилиб, уларнинг мавзуга оид эркин фикр ва мулоҳазалари эшитилди. Талабалардан Н.Арзиева, Т.Собиров, А.Ўскиновларнинг билдирган фикрлари меҳмонларни хушнуд этди. Айниқса, М.Тошматованинг нопок кимсаларга бўлган нафратини шеърий усулда баён қилиб бериши қалбларни ларзага солди.

О.СОТВОЛДИЕВА,
коллеж
амалиётчи-психологи

Ogohlik — muqaddas burch

Safar taassurotlari

дан-кам талабгорларга насиб этади. Коммунити коллежида 132 дастур асосида 125 ихтисослик бўйича мутахассислар тайёрланаркан. Коллежнинг 14 кампуси (филиали) бўлиб, ҳар бир кампуснинг ўз йўналиши бор. Барча кампуслар илғор технологиялар билан жиҳозланган. Айниқса, машғулотларнинг виртуал ўқитиш усулида олиб борилиши, масофадан туриб бошқариш ва Интернет орқали ахборотлардан фойдаланиш имкониятлари яратилган. Талаба зарур адабиётни интернет кутубхонасидан ёки дунёнинг хоҳлаган давлатидаги ушбу тармоққа уланган кутубхонадан олиши мумкин.

Ўқитиш жараёнининг биздаги шароит билан фарқи шундаки, талабалар

“МАСЪУЛИЯТНИ
ҲИС ҚИЛИБ
ҚАЙТДИК”

колежда турли пайтда ўқишлари ва ишлашлари ҳам мумкин. У ердаги таълим муассасаларида бир йил ўқигандан сўнг сертификат берилади, икки ёки уч йилдан сўнг диплом иши ҳимоя қилинади. Қарздор ўқувчилар таътил пайтида келиб қарзларини топширишар экан. Коллежларнинг барчасида жиҳозланган спорт заллари мавжуд бўлиб, бу ерда ҳар бир талаба интернет-маслаҳатчилар ёрдамида ўзининг жисмоний ривожланиш даражасига қараб машқлар бажариши мумкин.

Энди канадалик оилаларнинг оддий турмуш тарзига тўхталсак. Бизни ҳамкасбимиз Анна ўз уйига таклиф этди. Турмуш ўртоғи ва икки нафар ўғли билан таништирди. Шинам жиҳозланган хоналарда факс, интернет тармоғига уланган компьютер, телефон, нусха кўчирувчи аппаратлар зарурий уй жиҳозларига айланган.

Оила бошлиғи 50 ёшлари қоралаган Жок, полиция ходими бўлиб ишлаб, истеъфога чиққан. Энди ошпазлик касбини эгаллаш мақсадида коллежга кириб ўқиш учун тайёргарлик кўраётган экан.

Канадаликларнинг қимматли вақтларини аяши, яшаётган жойларига, сув, электр каби табиий бойликларига бўлган муносабатлари ҳам ибрат олса арзирли экан. Атроф-муҳитни асраб-авайлаш катта-кичик канадаликнинг қон-қонига сингиб кетган. Шаҳарларнинг озодалигига жуда катта эътибор беришлари сабабли ҳамма ёқ топ-тоза, саранжом.

Канада таълим тизимининг урганса арзигулик жиҳатлари кўп экан. Амалий машғулотлардан бирида ҳамма томони электр асбоблар, турли мосламалар билан жиҳозланган хонада ҳамкасбларимдан бири «агар бирор сабаб билан электр қуввати узилса, машғулот қандай ўтказилади?» деган савол билан мурожаат қилди. Бу саволимизни канадалик ўқитувчига тушунтиришимиз анча мушкул бўлди. Чунки, у қандай қилиб электр бўлмаслиги мумкинлигини сира ақлига сиғдира олмасди.

Хуллас, Канада сафаридан сўнг ҳали олдинда рўёбга чиқаришимиз лозим бўлган масъулиятли ишларимиз борлигини, бунинг учун ишлаш ва изланиш зарурлигини янада чуқурроқ ҳис қилиб қайтдик.

Суҳбатни «Маърифат»нинг
ўз мухбири Назокат ШЕРБОЕВА
ёзиб олди

Газетамизнинг бугунги меҳмони — Ўзбекистон халқ шоири **Нормурод Нарзуллаев**. У 1934 йилда Қашқадарё вилояти Касби туманида туғилган. Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетиде таҳсил олган. Шу кунга қадар шоирнинг 30 дан ортиқ шеърӣ китоблари нашр этилган бўлиб, 500 дан зиёд кўшиқлари таниқли ва ёш хонандалар томонидан ижро этилади. Нормурод ака бир қатор республика кўшиқ байрамлари кўрик-танловининг совриндори ҳамдир. У бугунги кунда беш нафар фарзанд ва ўн бир нафар набира кучоғида, ардоғида яшамокда. Мустақиллигимизнинг тўққиз йиллиги арафасида Нормурод Нарзуллаевга Президентимиз Фармонига кўра «Ўзбекистон халқ шоири» унвони берилди.

— Нормурод ака, «Ўзбекистон халқ шоири» деган юксак унвон муборак.

— Раҳмат. Ҳукуматимизнинг катта меҳр-муруввати рамзи бўлган бундай юксак мукофотга сазовор бўлганлигим, ростини айтсам кўнглимни тоғдек кўтарди. Камтарона меҳнатим, ижодимга берилган бу олий мукофотни қалбим ва қаламим билан оқлашни бурчим деб биламан.

— Болалик мамлақати беғубор. Шу мамлакат фуқароси Нормурод Нарзуллаев у мамлакатнинг қандай фуқароси бўлган?

— Қашқа воҳасининг Хўжахайрон деб аталган қишлоғида дастлаб 7-синфни битирганман. Илк ўқитувчиларим ҳақида гапирадиган бўлсам, қишлоғимизнинг зиёли ва маърифатпарвар инсони Муродулло Очиллов, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи — Комил Шарипов, кўнглимда адабиёт ишқини уйғотган мураббийим Муқим Асадов каби муаллимларнинг номи мен учун ҳамisha азиз ва қадрдон. Илк сабоқ берган бу устозларимдан бир умр миннатдорлик туйғуси қалбим тўрида яшайди. Сўнг Қарши педагогика билим юртида таълим олганман. Бу ерда аниқ фанлар билан бирга ижтимоий фанларга ҳам катта эътибор берилгани учунми, билим юртида ташкил этилган адабиёт ва мусиқа тўғаракларида фаол қатнашардим. Мусиқага, кўшиққа бўлган илк ҳавас-иштиёқим ана шу пайтлардан бошланган десам бўлади. Ҳатто, мусиқа тўғарида қатнашиб, скрипка чалишга кўлим келишиб қолгани ва «Қари наво» куйини бемалол, қийналмасдан чала бошлаганим ҳамон эсимда. Илк шеърим ҳам Қаршида ўқиб юрган пайтларимда ёзилган. Деҳқон-чорвадор фарзанди бўлганимданми, дастлабки шеърим (уни шеър деб аташга ҳозир журъат қилолмайман) «Улоқчам» деб аталарди.

— Демак, Сиздаги

кўшиққа, санъатга бўлган муҳаббат ёшлигингизда пайдо бўлган экан-да.

— Албатта. Мен ўзимни куй-кўшиқсиз тасаввур қилолмайман. Уларсиз менинг мувозанатим бузилади. Халқ ичида кўпроқ бўлганлигимданми, халқ оғзаки ижодига ёшлиқдан кўнгил қўйганлигимдан, шеърларимни халқчил, ўйноқи, содда, самимий, ҳаётӣй. «Сумалак» деган кўшиқ «Ялла» ансамбли ижросида дунё кезганлиги-

Меҳмонхона



бири бўлиб, эл-юрт куйлайдиган кўшиққа айланган бўлса, бу ижодий ҳамкорлигимизнинг яхши намунаси деб айта оламан.

— Қайси бастакорлар билан кўпроқ ҳамкорлик қиласиз?

— Сўнгги пайтларда Рустам Абдуллаев, Аваз Мансуров, Ҳабибулла Раҳимов, Дилором Омонллаева каби бастакорлар билан тез-тез мулоқот ва ижодий учрашувлар қилишимиз Ватан, дўстлик, истиқлол ҳақида қатор янги-

касбини севган, шу билан бирга ижод билан шуғулланаётган муаллим ва мураббийларимиз қалами маҳсули бўлган кўлөзмаларни ўқиб, уларни нашрга тайёрлаш ишларида иштирок этиб келаяпман. «Муборак кунлар», «Муборак дамлар» каби тўпламлар қатор ижодкор ўқитувчиларни кашф этди. Ижод билан муттасил шуғулланиб келаётган айрим муаллимлар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига ҳам қабул қилиндиларки, бу уларга кўрсатилган маънавий рағбатнинг кўриниши деб биламан.

— Ўқитувчилар ҳақида ёзилаётган асарлар, китоблардан кўнглингиз тўладими?

— Йўқ, албатта. Устозимиз Парда Турсуннинг «Ўқитувчи» романини ҳисобга олмаганда, сўнгги пайтларда муаллимларнинг шарафли, машаққатли меҳнатлари ҳақида дурустрок, ёдда қоладиган йирик асарлар яратилмаётгани биз,

кўнглингизда кечаётган туйғулар билан ўртоқлашсангиз?

— Гўзал диёримизда гўзал фарзандларимиз бор. Фозил ўғил-қизларимиз вояга етаяпти. Мен уларнинг комил инсонлар бўлиб етишишларига ишонман. Китобларимиз ана шу болаларимизнинг ҳақиқӣй дўсти, умр йўлдоши, ҳаёт тарзи, умр маъносига айланишини орзу қиламан. Зеро, кўп китоб мутолаа қилган, аждоқларимиз меросидан хабардор фарзандларимиз ҳеч қачон ёмон йўлга қирмайдилар, бало-қазолардан йироқ юрадилар. Ота-онасининг, устозларининг ҳурмати жойига қўядилар. Адабиётга, санъатга яқин бўлган, ижод аҳли билан мулоқотда бўлган ҳар бир муштарӣй баркамол, соғлом, ҳар томонлама етук инсонлар эканлигига шубҳам йўқ.

— Бугун Сизни ўйлатадиган муаммолар ва кўнглингиздаги армонларингиз хусусида гапириб берсангиз?

— Кўшиқ ёзадиган кўшиқнавис шоирларга баъзилар бошқача муносабатда бўладилар. Зиёлиларнинг ичида ҳам шундай кишилар учрашини ҳеч ҳазм қилолмайман. Улар ўзи кўшиқ эшитади, маза қилиб завқланади. Лекин кўшиқнавис ижодкорларга ҳақиқӣй шоир сифатида қарашмайди. Бу, албатта, нотўғри. Битта яхши қанотли кўшиқ катта дostonнинг кучига эга бўлади. Яхши кўшиқни ҳамма тинглайди. Ҳатто жўр бўлади. Тўйда ҳам, бошқа маъракада ҳам кўшиқ айтилади. У инсоннинг ички туйғуларини ифода қилади.

Минг шукрки, халқимиз жўр бўладиган, кўшилиб айтадиган кўшиқлар анчагина. «Мен нечун севаман, Ўзбекистонни», «Юрт ишқиде ёнаман», «Ўзингдан қўймасин, халқим...», «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон», «Дунё»... Миллий гуруҳ ва ифтихор туйғусини уйғотадиган бу кўшиқларни ҳамма севиб тинглайди. Мен уларни шоир, бастакор ва хонанда ижодий ҳамкорлигининг энг яхши намуналари сифатида юксак қадрлайман. Энг муҳими, кўнгилни йўқотмайлик, кўнгилни топайлик.

— Азиз газетхонларга тилақларингиз?

— Фурсатдан фойдаланиб, мен севган ва ардоқлаб ўқийдиган «Маърифат» газетаси орқали Давлат мукофотлари билан тақдирланганлигимиз учун биз, ижод аҳлига йўллаган кутловлари, самимий дил сўзлари учун азиз замондошлар ҳамда ватандошларга қуллуқ қиламан.

— Сухбатингиз учун, раҳмат, ижодингизга ба-рака!

Шерали НИШОНОВ
суҳбатлашди.

“ЮРТ ИШҚИДА ЁНАМАН”

дан кўшиқсеварлар хабардор бўлишса керак.

— «Сумалак» учун гап-сўзга ҳам қолгансиз, деб эшитганмиз.

— Бу бўлган гап, ёлғони йўқ. Бу кўшиқ қутлуғ Наврўз байрамимизга бағишланганлиги учун ҳам баъзи собиқ компартия раҳбарлари кўшиқни ижро этишдан тўхтатиб қўйганлиги, ҳатто Бутуниттифоқ радиоси раҳбариятига сим қоқиб, «Маяк» эшиттиришларидан олиб ташлаш кераклиги ҳақида буйруқ беришган. Йиллар ўтди, лекин яхши кўшиқлар қолди. Буни қарангки, у пайтларда нафақат инсонлар, балки кўшиқлар ҳам қатағонга учраган эди.

— Мустақиллик Сизга янгича илҳом берди — ижодингизда бурилиш ясади. Мустақиллик куйчисига айландингиз, десам хато қилмасам керак.

— Мустақиллик Оллоҳнинг бизга берган улғу неъматидир. Бу ҳаммамизнинг тақдиримизга айланди. Боболаримиз, момоларимиз қони-жони, озодлик, хуррият учун жон фидо қилган маърифатпарварлар фидойилиги эвазига келган бу мустақилликни қутламаслик, куйламаслик инсофдан эмас. Агар «Юрт ишқиде ёнаман» кўшиғи ажойиб санъаткоримиз Фаррух Зокиров раҳбарлик қилаётган «Ялла» жамоасининг сара кўшиқларидан

янги тароналар яралишига сабаб бўлди. Муяссар Раззоқова, Исмоил Жалилов, Фуломжон Ёқубов, Насиба Абдуллаева, Шерали Жўраев, Нуриддин Ҳамроқулов, Марям Сатторова, Мавлуда Асалхўжаева каби етук ва машҳур санъаткорларимиз тилдан янграган кўшиқлар халқ мулкига айланганидан мамнунман.

— Ёш санъаткорлар билан ҳамкорлигингиз қай даражада?

— Мен иқтидорли ёшларни севаман ва улар эришган ютуқлардан қувонаман. Санъатимизга янги ирмоқлар келиб кўшилаяпти. Уларнинг ўз овози, ўз сўзига эгалиги мени хурсанд қилади. Илҳом Фармонов, Нилуфар Саидова (Раҳматова), Тоҳир Содиқов каби санъатимизнинг ёш вакиллари камолотида менинг ҳам хизматим борлиги қалбимда илиқлик уйғотади.

— Биз Сизнинг «Халқ таълими аълочиси» эканлигингизни биламиз. Ижодкор ўқитувчилар ижодига муносабатингиз қандай?

— Халқ таълими вазирлиги билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида ўтказиладиган, анъанавий тус олган ижодкор ўқитувчилар анжумани халқ таълими ходимлари ҳаётида сезиларли из қолдираяпти. Ўз

ижодкорларни ташвишга солади. Демак, биз устозларимиздан қарздор ва бурчдоримиз. Шу маънода айтиш керакики, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ёзувчилар уюшмаси ва бошқа ижодий ташкилотлар ҳамкорлигида ўқитувчилар ва мураббийлар фаолиятига бағишланган энг яхши асарлар кўрик-танловини ўтказиш лозимлигини бугун вақт талаб қилмоқда. Шояд ана шу танлов сабаб бўлиб, турли жанрларда янги-янги асарлар яратилиб, устозлар олдидаги қарзимизни узсак.

— Кўшиқнавис шоир сифатида ўқитувчиларимиз ҳақида яратилаётган кўшиқлар Сизни қониқтирадими?

— Жуда ҳаётӣй саволни ўртага қўйдингиз. Лекин мана мустақиллигимизнинг ўнинчи йилига ўтдик ҳамки, шу кунга қадар «Устозингдан айрилма», «Устозлар» каби қанот қоқадиган кўшиқлар пайдо бўлмапти. Бу хусусда ҳам ўқитувчилар ва мураббийлар ҳаётини акс эттирувчи республика кўшиқлар танловини ташкил қилиш ҳам мақсадга мувофиқ иш бўларди. Қанийди, шоирлар, бастакорлар, хонандалар бир жону бир тан бўлиб, бир ёқадан бош чиқариб, шу ишни амалга оширсак.

— Аини дамда

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан таълим ўзбек тилида олиб бориладиган умумий ўрта таълим мактаблари учун 2001-2002 ўқув йилида қўллашга тавсия этилган дарслик ва ўқув қўлланмалар рўйхати

Хурматли халқ таълими мутасаддилари, ота-оналар, азиз ўқувчилар!

Халқ таълими вазирлиги 2001-2002 ўқув йилида умумий ўрта таълим мактабларида фойдаланишга тавсия этиладиган дарсликлар ва ўқув қўлланмалари рўйхатини эълон қилмоқда. Мақтаб ўқувчиларини ушбу рўйхатда кўрсатилган дарсликлар билан тўлиқ таъминлаш учун барча чораларни кўриш ва амалга ошириш зарур. Бунинг учун нашр этилаётган дарсликларни зарур миқдорда сотиб олиш юзасидан барча педагогик жамоалар, ўқувчилар, ота-оналар ўртасида кенг кўламда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилиши лозим.

Шунингдек, дарсликлардан авайлаб фойдаланиш, уларнинг умрини узайтириш, кам таъминланган

оилаларни ижтимоий ҳимоялаш имкониятларини яратиш мақсадида, аввалги йилларда нашр қилиниб, фойдаланилган, бу йил ҳам қўллашга тавсия этилган дарсликларнинг аниқ ҳисоби олиниб, уларни ўқувчилар ўртасида ўзаро айирбошлаш, арзонлаштирилган нархларда сотишни ташкил қилиш, ҳомий ташкилотлар ҳисобига олинадиган ва ота-оналар томонидан ихтиёрий равишда мактабга ҳаётиятидан дарсликлар ҳисобига мактаб кутубхона жамғармасини бойитиш учун ҳар бир ўқув муассасаси, ҳар бир синфда тушунтириш ишларига кенг тус бермоқ лозим.

Таълим муассасаларида тадбиркорлик йўли билан, шунингдек мактаб томорқасидан олинган даромад

эвазига ўқувчиларни дарсликлар билан тўлиқ таъминлаш имкониятларидан фойдаланиш ҳам самарали натижа беради деган умиддамиз.

Шу билан бир қаторда аҳолини иқтисодий ва ижтимоий муҳофазалаш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда республикамиздаги ақлан ва жисмонан заиф болалар, «Меҳрибонлик уйлари» тарбияланувчилари ва 1-синфларга ўқишга келадиган ўқувчилар давлат бюджетидан барча дарсликлар билан бепул таъминланадилар.

Хурматли ота-оналар!

Фарзандларингизнинг дарсликлар билан ўз вақтида таъминланишига эътибор қилинг. Дарсликлар сотиб олишни кейинга қолдирманг.

1-синф (лотин)

Т.р.	Дарслик ва ўқув қўлланмалар номи	Муаллифи	Фойдаланишга тавсия этилган йили
1.	Алифбе	О.Шарафутдинов ва б.	2001 қ\ишл.
2.	Она тили	Қ.Абдуллаева ва б.	1999-2000
3.	Ўзув дафтари 1	Қ.Абдуллаева ва б.	2001 қ\ишл.
4.	Ўзув дафтари 2	Қ.Абдуллаева ва б.	2001 қ\ишл.
5.	Алифбе	Т.Фафорова ва б.	2001 қ\ишл.
6.	Ўзув дафтари 1	Т.Фафорова ва б.	2001 қ\ишл.
7.	Ўзув дафтари 2	Т.Фафорова ва б.	2001 қ\ишл.
8.	Она тили	Т.Фафорова ва б.	1999 -2000
9.	Математика	Н.Бикбаева ва б.	2000
10.	Математика д-1	Н.Бикбаева ва б.	2000-2001
11.	Математика д-2	Н.Бикбаева ва б.	2000-2001
12.	Атроф.олам	А.Григорьянц ва б.	1999 -2000.
13.	Ҳуснихат	М.Фуломов.	2000-2001
14.	Мусиқа	Х.Нурматов ва б.	1998-2000
15.	Тасвирий санъат	Р.Ҳасанов.	2001
16.	Алифбо кўшиқлари	Д.Омонуллаева ва б.	2000
17.	Жисмоний тарбия (ўқув қўлланма)	К.Маҳкамжонов ва б.	2000-2001
18.	Одобнома	О.Ҳасанбоева ва б.	2000
19.	Математика (синов)	М.Аҳмедов	2000

2 - синф (лотин)

Т.р	Дарслик ва ўқув қўлланмалар номи	Муаллифи	Тавсия этилган йили
1.	Ўқиш китоби	К.Абдуллаева ва б.	2001 қ\ишл.
2.	Она тили	К.Қосимова ва б.	2000,2001 қ\ишл.
3.	Математика	Н.Бикбаева ва б.	2000,2001
4.	Математика д-1	Н.Бикбаева ва б.	2000,2001
5.	Математика д-2	Н.Бикбаева ва б.	2000,2001
6.	Атроф.олам	А.Григорьянц ва б.	2000,2001 қ\ишл.
7.	Русский язык	Р.Толипова ва б.	2000,2001
8.	Кузатиш кундалиги	А.Григорьянц ва б.	2000-2001 қ\ишл.
9.	Ҳуснихат	М.Фуломов	2000,2001
10.	Жисмоний тарбия (ўқув қўлл.)	К.Маҳкамжонов	2000,2001
11.	Мусиқа	Х.Нурматов	янги нашр

3-синф (лотин)

1.	Ўқиш китоби	М.Умарова	2000,2001
2.	Она тили	С.Фузаилова ва б.	2000,2001 қ\ишл.
3.	Математика	Н.Бикбаева ва б.	2001
4.	Табиатшунослик	А.Григорьянц	2000, 2001 қ\ишл.
5.	Русский язык (Букварь)	Р.Толипова ва б.	2000
7.	Кундалик кузатиш дафтари	А.Григорьянц	1999 (Китоб базадаги мавжуд қўлланмадан фойд.)
8.	Мусиқа	Х.Нурматов	янги нашр
9.	Жисмоний тарбия (ўқув қўлл.)	Ф.Хўжаев	2000-2001

4-синф (лотин)

1.	Ўқиш китоби	А.Шожалилов ва б.	2001 қ\ишл.
2.	Она тили	А.Азизова ва б.	2000, 2001 қ\ишл.
3.	Табиатшунослик	А.Григорьянц ва б.	2000, 2001 қ\ишл.
4.	Кузатиш кундалиги	А.Григорьянц	1999 (базадаги мавжуд қўлланмадан фойд.)
5.	Математика	Н.Бикбаева ва б.	2000,2001 қ\ишл.
6.	Рус тили	Р.Толипова ва б.	2000,2001
7.	Жисмоний тарбия (ўқув қўлл.)	Ф.Хўжаев	2000,2001
8.	Одобнома	Т.Курбонов ва б.	2000,2001

5-синф (лотин)

1.	Ўзбек адабиёти	Н.Каримов ва б.	1999,2000,2001
2.	Она тили	Х.Неъматов ва б.	2000,2001

4.	Математика	Ж.Икромов ва б.	1998,99, 2000,2001
5.	Математикадан мас.тўплами	А.Раҳимқориев ва б.	1998,2001
6.	Табиий география (бошланғич курси)	П.Мусаев ва б.	2000,2001
7.	Инглиз тили	Л.Жўраев ва б.	2000,2001
8.	Олмон тили	З.Шайхутдинова ва б.	2000,2001
9.	Олмон тили даф.	З.Шайхутдинова ва б.	2000,2001
10.	Француз тили	Н.Нешева ва б.	1996
11.	Русский язык	Р.Толипова ва б.	1999,2000,2001
12.	Жаҳон тарихидан ҳикоялар	У.Жўраев ва б.	2000,2001
13.	Ўзбекистон тарихи	Б.Аҳмедов	2000,2001
14.	Мусиқа	А.Мансурова ва б.	2001
15.	Жисмоний тарбия (ўқув қўлл.)	Т.Усмонхўжаев	Янги нашр
16.	Ватан туйғуси	У.Маҳкамов ва б.	2000,2001
17.	Ботаника (5-6 с.)	У.Пратов	2000,2001
19.	Хизмат кўрсатиш меҳнати (қизларга)	Т.Пошшахўжаева ва б.	1998

6-синф (лотин)

1.	Она тили	Х.Неъматов ва б.	2000,2001
2.	Ўзбек адабиёти	К.Йўлдошев ва б.	1999,2000,2001
3.	Русский язык	Р.Толипова ва б.	1999,2000,2001
4.	Математика	Ж.Икромов ва б.	1999,2000,2001
5.	Физика	Д.Шодиев ва б.	2000-2001қ\ ишл.
6.	Зоология (6-7с.)	О.Мавлонов ва б.	2000,2001
7.	Материаллар ва океанлар географияси	А.Абулқосимов ва б.	1999,2000,2001
8.	Инглиз тили	Л.Жўраев ва б.	2001
9.	Олмон тили (қўлланма)	Т.Очилов	1999,2000
10.	Француз тили	Н.Нешева ва б.	1996
11.	Жаҳон тарихи	А.Кабиринов	2000,2001
12.	Ўзбекистон тарихи	А.Саъдуллаев ва б.	2000,2001
13.	Хизмат кўрсатиш меҳнати (қизлар учун)	Т.Пошшахўжаева	2001 қайта ишл.
14.	Мусиқа	К.Мамиров ва б.	янги нашр
15.	Физикадан мас.тўпл.	А.Юсупова ва б.	янги нашр
16.	Жисмоний тарбия	Т.Усмонхўжаев	янги нашр

7-синф (лотин)

1.	Ўзбек адабиёти	К.Йўлдошев ва б.	2000,2001
2.	Она тили	Х.Неъматов ва б.	2000,2001
3.	Рус тили	С.Исломбекова ва б.	2000,2001
4.	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2000,2001
5.	Геометрия	Н.Ғайбуллаев ва б.	2000,2001
6.	Физика (ўқув қўлл.)	Д.Шодиев ва б.	2000
7.	Зоология (6-7с.)	О.Мавлонов ва б.	2000,2001
8.	Инглиз тили	Х.Мусахонорова ва б.	2000
9.	Француз тили	Н.Нешева ва б.	1996
10.	Олмон тили	Н.Суханова	янги нашр
11.	Туркистон табиий геог.	П.Фуломов ва б.	2000,2001
12.	Ўзбекистон табиий географияси	О.Мўминов ва б.	2000,2001
13.	Ўзбекистон географияси атласи (7-8с.) (ўқув қўлланма)	Муаллифлар гуруҳи	1999
14.	Ўзбекистон тарихи	А.Муҳаммаджонов ва б.	2000,2001
15.	Жаҳон тарихи	Т.Салимов ва б.	2000,2001
16.	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари (7-8с.)	Т.Курбонов ва б.	янги нашр
17.	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари (7-8с.) (Муқобил)	С.Нишонова ва б.	янги нашр
18.	Анорганик кимё	С.Тешабаев ва б.	2000,2001
19.	Тасвирий санъат (ўқув қўлл.)	А.Сулаймонов ва б.	янги нашр
20.	Мусиқа	О.Ибрагимов	янги нашр
21.	Жисмоний тарбия	Т.Усмонхўжаев	янги нашр

СТРАТЕГИЯ ИШЛАБ ЧИКИЛДИ

Маълумингизким, Оролни асраш халқаро кўмитаси GEF агентлиги Ўзбекистон миллий ишчи гуруҳи кўплаб тадбирларни амалга оширмоқда. Ўқувчиларимиз ўртасида ўтказилаётган "Мен-Отам-Бобом (Мен-Онам-Момом)-сувнинг аҳамияти ҳақида" иншоолар танлови ана шундай тадбирлардан биридир. Мақсад эса аниқ — сувнинг ифлос ва исроф қилмасликдир.

Ушбу ишчи гуруҳи яқинда "Сув ресурсларидан ва атроф-муҳитдан оқилона фойдаланиш бўйича Ўзбекистон аҳолиси ўртасида жамоатчилик фикрини шакллантириш стратегияси"ни ишлаб чиқди. Биз қуйидаги ушбу стратегияга ёзилган сўзбошини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Кўхна Осиёнинг Туронзамин деб аталмиш бепоён ҳудудларида истикомат қилган халқлар қадим замонлардан деҳқончилик билан машғул бўлганлар. Зар қадрини заргар билади, дейдилар. Зеро, азал-азалдан деҳқончилик туфайли тиркичилик қилган одамлар сув қадрини жуда яхши билишарди. Сув муқаддас неъмат ҳисобланарди. Сувдек сероб бўлинг деб тилак айтилар эди. Туронзаминда ҳатто ислом дини қарор топишидан аввал ҳам сувга туфлаш, сувга ахлат тўкиш ёки сувни ифлослантириш гуноҳи азим саналарди. Чунки сув йўқ жойда ҳаёт ҳам абас бўларди, сув ҳаётнинг манбаи эди.

Эраминдан аввалги VIII-VII асрлардаёқ Жайхун ва Сайхун дарёларининг куйи оқимлари соҳилларида обикор деҳқончилик ривожланган эди. Ҳозирги Хоразм, Қорақалпоғистон, Самарқанд воҳаси, Фарғона водийси ҳудудларида шу кунларгача қадимий суғориш иншоотларининг қолдиқлари сақланиб қолган. Инсоният тарихидаги деҳқончиликка асосланган тамаддун марказларидан бири Суғдиёна давлати ҳам Самарқанд билан Бухоро ўртасида қарор топган эди. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг ташаббуси билан 2001 йилда тарихий юбилейини халқаро миқёсларда тантанали равишда нишонлашга тайёргарлик кўрилатган ва қадим замонларда айнан Ватанимиз Марказий Осиё ҳудудларида яратилган муқаддас "Авесто" китобида ҳам: "Олам гўзаллиги деҳқондан, деҳқончиликдан,

кимки ерга уруғ қадабди, у одамийликка иймон келтиради, ягона шу йўлгина ҳақиқат бўлиб, қолгани саробдир" (Ш.Каримов, Р.Шамсутдинов, Ватан тарихи, биринчи китоб, "Ўқитувчи" нашриёти, Тошкент, 1997 й., 102-бет) деб, бежиз башорат қилинмайди.



ХАЛҚ АНЪАНАЛАРИНИ ТИКЛАЙЛИК

Қадим-қадим замонлардаёқ илк бора сунъий суғориш иншоотлари Хоразм воҳасида, Фарғона водийсида пайдо бўлган. III асрдаёқ Хоразмда Қиёт канали қазилган эди. Ўша замонларда Жайхун (Амударё) дарёсининг куйи оқимларида обикор ерларнинг умумий майдони 1,3 млн. гектарни ташкил этарди. Бу ҳозирги Хоразм вилоятидаги суғорилиб, деҳқончилик қилинадиган ер майдонларидан 4 баробар кўп демакдир. Суғориш тармоқлари билан ирригация иншоотларини ҳимоя қилиш, уларни авайлаб-асраш кўхна Хоразм давлатининг асосий вазифаларидан ҳисобланган.

Айниқса, темурийлар даврида суғориш тармоқларини ривожлантиришга, кўриқ ерларни ўзлаштириб, уларни боғ-роғларга айлантиришга алоҳида эътибор бериларди. Темурийлар давлати сиёсатининг муҳим йўналиши мамлакатда деҳқончиликни янада раванқ топтиришга ва ободончилик ишларига қаратилган эди.

Мовароуннахрда (Марказий Осиёда) илм-фан, маданият

гуллаб-яшнаган ўрта асрларда Туронзаминда дунёни лол қолдирган кашфиётлар яратилди. Буюк боболаримиз Абу Али ибн Синонинг "Тиб қонунлари", ал-Хоразмийнинг "Алжабр вал-муқобала", Мирзо Улуғбекнинг "Зижи Кўрагоний" асарлари, ал-Фарғоний томонидан яратилган сув ўлчагич асбоблар шулар жумласидандир. Айнан ўша замонларда тадбиркор аждодларимиз томонидан қишлоқ хўжалиги ва тижорат соҳаларида жорий этилган янгиликлар Осиё ҳудудларидан ташқаридаги мамлакатларга ҳам маълум бўлади. Натижада Буюк Ипак Йўлининг гуллаб-яшнашига имконият яратиларди.

Деҳқонлар онгида асрлар мобайнида узоқни кўзлаган

бир қаторда халқимизнинг ўзига хос анъаналари, хусусан, сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш борасидаги тажрибалари ҳам авлоддан-авлодга мерос қолдирилди. Асрлар мобайнида тўпланган бебаҳо тажрибалар — сувни авайлаб-асраш борасидаги ўғитлар бизнинг қон-қонимизга сингиб кетган.

Ўзбек мумтоз адабиётининг намояндлари бўлмиш Алишер Навоий, Фурқат, Абдулла Қодирий каби аллома адиблар ижодида сув поклик ва олижаноблик, мўл-кўлчилик рамзи сифатида тараннум этилади. Улар бизга сувнинг ҳар томчисини авайлаб-асраш, эъзозлаш тўғрисида вазият қилганлар.

Надоматлар бўлсинки, муштамлақчилик даврида халқ-

сининг фавқулудда пастлиги оқибатида Оролбўйи аҳолисининг ҳаёт кечирishi гоётада оғирлашиб кетди. Маълумки, Шўро ҳокимияти йилларида нафақат халқимизнинг маънавий қадриятларига, балки бутун мамлакат экологик тизими-га ҳам беқиёс зарар етказилди. Анъанавий урф-одатларимиз оёқости қилинди, сув ҳавзалари ўйламай-нетмай булғанди, сув ресурсларининг беҳуда исроф қилинишини ман этадиган, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш тарғиб қилинадиган ота-боболаримизнинг жайдари фалсафаси хотирандан ситиб чиқарилди.

Мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган "Сув ресурсларидан ва атроф-муҳитдан оқилона фойдаланиш бўйича Ўзбекистон аҳолиси ўртасида жамоатчилик фикрини шакллантириш стратегияси" асрлар мобайнида яратилган халқона анъаналарни тиклашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бизнинг минтақамизда яшайдиган халқларнинг урф-одатлари (менталитети) сувни тежаб-тергаб ва уни бебаҳо бойлик каби эъзозлаш тамойиллари асосида шаклланган. Эзгу ишларимизнинг рўёбга чиқишига шунинг учун ҳам ишонамизки, бу халқларимизнинг тарихий анъаналарини қайта тиклаш ва уни ижтимоий фикр даражасига кўтариш йўли билан ижтимоий кучга айлантирилади. Миллий анъаналаримизга амал этилса, сув исроф ҳам, ифлос ҳам қилинмайди.

Сувдан фойдаланадиган кўпчилик фуқароларимиз билмоғи лозимки, қачонки об-ҳаёт ресурсларидан тўғри ва оқилона фойдаланилган тақдирдагина ўз еримизнинг унумдорлигини сақлаб қолишимиз мумкин. Ниҳоятда бой деҳқончилик маданиятига эга бўлган халқимизнинг тарихий тажрибалари мамлакатимизнинг навқирон авлоди тарбияланадиган қадриятларнинг ажралмас пойдевори бўлиши керак.

25 ФАН НОМЗОДИ, 7 ФАН ДОКТОРИНИНГ УСТОЗИ

Инсоннинг ўз ўрнини ва мавқеини топишидан кўра тўқис бахтнинг ўзи йўқ. Зеро, умргузаронлик қилишнинг мазмуни ҳам шунда.

Ўзбекистон ФА академиги, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг профессори, техника фанлари доктори, профессор, муҳтарам ва азиз устоз — Руфат Маҳкамов ана шундай эъзозни топган устозлардан.

Дарҳақиқат, ўзининг бор билими ва маҳоратини тўқимачилик машинасозлиги саноатига бағишлаган олим жуда катта илмий салоҳиятли мактабга эга. Бу мактабда институтнинг кўпдан-кўп олимлари ўз билим савияларини оширяптилар.

Руфат Маҳкамов 1954 йили Москва олий техника билим юртига ўқишга кириб, аспирантурани муваффақиятли якунларди. Москва станок жиҳоз-

лари институтида номзодлик диссертациясини 1961 йилда ҳимоя қилиб, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтига ишга келди.

Ўтган йиллар давомида домла қанчадан-қанча ёшларга сабоқ бермади дейсиз. Талабалар у кишидан яхшилик қилишни, эзгуликни, ростгўйликни, билимга ташналикни, ҳалолликни ўргандилар. Устоз шогирдлари билан ҳамisha фахрланиб юради. Улар орасида раҳбар, ўқитувчи, ички ишлар ходими-ю, етук муҳандис-саноат ходимлари ҳам бор. Тўқимачилик машинасозлиги соҳасини танлаганлар ҳам домлани ўз устозлари деб биладилар.

Руфат ака олмос орқали қаттиқ қотишмаларни тозалаш илмий муаммоларига бағишланган мавзу юзасидан Ватанимизнинг тўқимачилик ма-

шинасозлиги корхоналарида қатор илмий тадқиқотлар олиб борди. 25 фан номзоди ва 7 фан докторларини тайёрлаган устоз ҳамон илмий изланишда. 1982 йили илмий-тадқиқот ишларидаги муваффақиятлари, илмий-педагогик кадрларни тайёрлашдаги ютуқлари ҳамда ижтимоий-сиёсий фаолияти учун "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби" фахрий унвони билан тақдирланди.

Устоз шогирдларини республикамиздагина эмас, балки Россия, Олмония, Австралия, Куба, Иордания мамлакатларининг пахта, тўқимачилик ва енгил саноат корхоналарида ҳам учратиш мумкин. Ҳозиргача 160 дан зиёд илмий-тадқиқот ишларини чоп эттирган, 6 та дарслик ва ўқув қўллан-

маларини яратган, 12 та муаллифлик гувоҳномасига эга.

Устоз Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Республика Олий Аттестация комиссияси эксперт кенгашининг аъзоси, "Ўзбекистон Республикаси механика муаммолари" илмий журнали муҳаррирининг ўринбосари, институт ва факультет илмий кенгашининг аъзоси сифатида ҳам жамоат ишларига "қўмилган".

Салкам эллик йиллик бой илмий тажрибага эга устоз бакалавр ва магистрлар, аспирант ва докторантлардан ўзининг тўлақонли лекцияларини, доно маслаҳатларини, дўстона насихатларини аямайди.

Абдусаттор АБДУҒАФФОРОВ,
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ректорининг биринчи муовини

Fanimiz fidoyilari

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида Тўрткўл тумани барча кўрсаткичлар бўйича юқори ўринда туришини таъкидлашди. Тўрткўлда таълим соҳасидаги ислохотлар қандай амалга ошириляётганини туман халқ таълими бўлими мудири Камолдин Каримов сўзлаб берди:

—Туманимизда 66 та умумтаълим мактаблари бўлиб, бунга қўшимча равишда 22 та болалар боғчаси, 5 та мактабдан ташқари муассасалар ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бу таълим муассасаларини бошқариш республика Халқ таълими вазирлиги томонидан берилган йўриқнома ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида ташкил этиляётир.

Ўқувчилар билимини давлат таълим стандартлари асосида аниқлаш ва баҳолаш, мактабларнинг барча кўрсаткичлар бўйича ўрнини билиш мақсадида мониторинг жорий этилди. Туман халқ таълими бўлими қошида мониторинг маркази, шунингдек, ҳар бир мактабда мониторинг хоналари ёки бурчаклари фаолият кўрсата бошлади.

Шу ўринда туман халқ таълими бўлими методика хонаси томонидан амалга ошириляётган ижобий ишларга ҳам

тўхталиб ўтишни истар эдим. Ушбу ишлар томонидан ўтган 1999-2000 ўқув йили давомида 160 та методик тавсиялар ишлаб чиқилди. Ўтказилган 64 та илмий-амалий семинарларда фан шўъба йиғилишларида бу тавсиялар ўқитувчиларга етказилди. 29 нафар ўқитувчининг иш тажрибасини ўрганиш ва оммалаштириш чоралари кўрилди.

Шаҳардаги лицей ўзбек тили

ИСЛОХОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

ва адабиёти ўқитувчиси Раъно Аминова, шу лицей француз тили мурабийси Роза Эгамбердиева, 9-ўрта мактаб бошланғич синф ўқитувчиси Ойнабот Қурбонниёзова, 15-мактаб тарихчиси, “Ўзбекистон халқ ўқитувчиси” фахрий унвони соҳиби Айтжон Нурумоваларнинг дарслари, айниқса, ижодий руҳда ўтиши, ўқувчини баҳс-мунозарага чорлаши билан эътиборли бўлмоқда. Айтжон Нурумованинг тарихий жойларда дарс уюштириши, айниқса, ўқувчиларда ўзи туғилиб ўсган диёрига нисбатан муҳаббатни шакллантиришда катта аҳамиятга эга бўляётир. Янги 2000-2001 ўқув йилида ҳам таълим тизимидаги арзигулик тажрибаларни йиғиш, ўрганиш ва

татбиқ қилиш билан шуғулланадиган инновация гуруҳларининг ишини янада такомиллаштириб бориш режалаштирилган.

Ўтган ўқув йилида 442 нафар ўқитувчи Нукус, Тошкент шаҳарларидаги малака ошириш институтларида бўлишди. 200 нафар ўқитувчи ўзбек ва туркман тил-

ларида янги алифбони ўргатиш қисқа курсларини тугатишди.

Ўтган ўқув йилида 43 нафар ёш мутахассислар келган эди. Ҳозирда улар бу касб бўйича анча-мунча кўникма ҳосил қилдилар. 2000 йилги тест натижаларига мувофиқ, 217 нафар ўқувчимиз олий ўқув юртларининг талабаси бўлишди. Шундан 67 киши педагогика олий ўқув юртларида тахсил олишни бошлашди. Бу кўрсаткич бизни қувонтиради.

Халқ таълими вазирлигининг 1999 йил 29 июндаги 114-сонли “Болаларни ривожлантириш ҳамда мактабга тайёрлаш таянч дастурини тажриба-синовдан ўтказишни босқичма-босқич ташкил этиш ҳақида”ги буйруғига асосан, “Бойчечак”, “Гунеш”

болалар боғчалари тажриба-синов майдончалари қилиб белгиланди. 1999 йил сентябрь ойидан бошлаб 1-сон болалар боғчасида тайёрлов гуруҳи, “Гунеш” болалар боғчаси катта гуруҳларида янги ўқув дастури синовдан ўтказилмоқда.

Мактабларимиз ўз кутубхоналарига эга. Уларни мунтазам бойитиб бориш доимий эътиборимизда. Кутубхоналар учун бу йил 6967 нусхадаги методик, сиёсий ва бадиий адабиётлар олинди. Жами китоблар 126640 нусхада. Аммо бу рақам янада ўсиши керак. Ҳомий ташкилотлар, ота-оналар, ўқитувчи ва ўқувчилар ёрдамида кутубхоналар фондиди тагин ҳам ошириш чоралари кўриляпти.

Ҳозирги кунда асосий муаммоларимиздан бири таълим туркман тилида олиб бориладиган 20 та, таълим қозоқ тилида юритиладиган 4 та, шунингдек, русийзабон синфларни дарсликлар билан таъмин этиш. Ўйлаймизки, “Ўзбекистон” нашриёти таълим бошқа тилда олиб бориладиган мактаблар учун тегишли тилда дарслик ва қўлланмаларни тезда ўз эгаларига еткази.

Ш.ТЎРАБОЕВА ва
Ҳ.ТЎЙМАНОВАлар
қоғозга туширдилар.

Milliy dastyr — amalda

ТАЛАБАЛАРГА МАЪРУЗА МАТНЛАРИ

“Янгилик талабаларга қулайлик яратди”

Маълумки, шу ўқув йилидан бошлаб республикамиздаги барча институтларда ҳар бир фан бўйича ўқитувчиларнинг маъруза матнлари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан чоп этилиб, талабаларга тарқатилмоқда. Ҳар бир институт ва ўрта махсус билим юртига мазкур нашрлар тўлалигича етиб бормоқда. Талабалар эса танишиб чиқишмоқдалар.

Бунинг ижобий томони шундаки, талабалар ҳар бир фан бўйича чуқур ва тўла билим олиш имконига эга бўлишди. Бу эса “Таълим тўғрисида”ги Қонунда ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да кўзланган мақсадларимизга тезроқ эришиш имконини яратди. Шу муносабат билан яқинда Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида ҳам ана шундай маъруза матнлари билан талабаларни таништириш маросими бўлиб ўтди.

Баҳодир ФАЙЗУЛЛАЕВ,
талаба

E'tibor

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги “Нуроний” чойхонасида ўтказилган ажайиб тадбир дастурхонига шу ҳудуддаги маҳаллаларда истиқомат қилаётган қарийб 150 нафар қария тақдир этилди. Сўзга чиққан маҳалла оқсоқоллари ҳозирда туман миқёсида аҳоли жипслиги кундан-кунга яхшиланиб, ўзининг ижобий самарасини бераётгани, ёшларимиз қатори кексаларга ҳам эътибор ошиб бораётганини алоҳида таъкидлаб ўтишди. Тадбирда, шунингдек, “Боғи эрам” ансамбль дастаси намойиш этган ажайиб мумтоз куй ва кўшиқлар меҳмонлар кўнглига илиқлик бағишлади.

ХАЙРЛИ ТАДБИР АНЪАНАГА АЙЛАНДИ

Шундан сўнг барча иштирокчилар туман маҳаллаларида бўлишиб, қариялар ҳолидан хабар олишди. Эътиборли томони шундаки, айна пайтда туманда истиқомат қилувчи 1895-1902 йилларда туғилган, яъни 100 дан ошган 22 нафар қарияга туман ҳокимининг махсус 10 минг сўм пул ва эсдалик совгалари топширилди.

Таъкидлаш лозимки, илк маротаба ўтказилган ушбу хайрли тадбир эндиликда анъанавий тарзда давом этади. Бунинг учун туман ҳокимлиги томонидан алоҳида ташаббускор гуруҳлар тузилган. Улар асосан маҳаллаларда яшовчи қариялар, ногиронларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишни кўзда тутишган.

Бахтиёр ХҲҲАЕВ,
Мирзо Улуғбек тумани Маънавият ва маърифат ишлари бўйича бўлим бошлиғи

МУАЛЛИМЛАР ЎГИТИДАН УНГАНМИЗ

Ишдан келсам, столим устида таклифнома турибди. Ўқиб қарасам, шанба куни мактабга, учрашувга чақиришибди. Беҳад хурсанд бўлдим. Чунки буни биргина мен эмас, балки барча синфдошларим ҳам орзиқиб кутаётган эдик-да. Қадрдон мактаб, меҳрибон устозлар, азиз синфдошларнинг ўзаро дийдорлашуви нақадар тотли эканлигини айтишга тил ожиз.

Яқиндагина мактаб остонасига илк бор қадам қўганимиз, севинчдан энтикканимиз, қадрдон мактабимиз, фидойи устозларимиз эсимга тушди. Ўқитувчимизнинг бизни меҳрибонлик билан синфхоналарга бошлагани, қўлимизга қалам тутиб, ўқиш-ёзишни, ҳисоблашни ўргатгани, ахлоқ-одобдан берган ўғитлари ҳамон ёдимизда. Мурғак қалбимизда илм-фанга, она-Ватанга бўлган муҳаббатимизни уйғотган муаллимларимиз номини ҳанузгача унутганимиз йўқ. Санобар Шамсиева, Сайёра Қурбонова, Каромат Исаева, Дина Борисова, Азим Мадраҳимов, Бахтиёр Ҳакимов, Раъно Илҳомжонова, Тўлқин Камолов, Сўлмас Султонов, Анна Лафасова, Раиса Сайтова ва Вячеслав Цапко каби устозлар ўзларининг билимдонлиги, ҳалоллиги, тажрибали эканлиги билан барчамизнинг юрагимиздан чуқур жой олдилар. Мактабни тугатиб, мустақил ҳаётга қадам қўганимизда бу ерда олган билим ва малакаларимиз пухта эканлигига амин бўлдим. Биз шу ғамхўр устоз-муаллимларимиз сабоғи туфайли ҳаётда ўз ўрнимизни топдик.

Мана, шу илм даргоҳини тугатганимизга ҳам йигирма йил бўлибди. Баъзи устозларимиз бугунги кунда ҳам мактабда ўз хизматларини давом эттиряптилар. Биз устозларимизга келажак авлодга таълим-тарбия беришдек масъулиятли ишларида куч-қувват тилаймиз.

Тошкент шаҳридаги 186-мактабнинг собиқ ўқувчилари номидан Умида МАНСУРОВА

Наманган вилояти Норин туманидаги Ал-Хоразмий номидаги 1-урта мактабда 1500 дан зиёд ўқувчи таълим олади. Уларга 85 нафар ўқитувчилар таълим-тарбия бermoқдалар.

1992 йили ўқитувчи Қаримахон Низомова ташаббуси билан мактабда математикани чуқурлаштириб ўқитиладиган махсус синфлар ташкил этилган эди. 1993 йилга келиб мактаб директори Зафаржон Қодиров саъйи-ҳаракати натижасида мактабда инглиз тили чуқурлаштирилиб ўқитиладиган махсус синфлар ҳам ташкил этилди.

НОРИНДА ШУНДАЙ МАСКАН БОР

Ушбу синфларда Ҳамроҳон Мажидова, Марҳабатхон Сатторова каби тажрибали мутахассис ўқитувчилар дарс беришмоқда.

1997 йилдан буён “Тинчлик” корпуси вакили, АҚШлик педагог, жаноб Стивен Уонле инглиз тилини чуқур ўргатишда ўқитувчиларга яқиндан ёрдам бериб келмоқда.

Ўтган ўқув йилида мактаб “Ўқувчилар билимини назорат қилишнинг рейтинг тизими” бўйича республика миқёсида тажриба-синов майдони этиб танланди. Тажриба-синов ишла-

рида педагог-ҳодимлар йил давомида фаол иштирок этдилар. Натижада тажриба-синов ишлари муваффақиятли якунланди.

Ўқув-тарбия ишларининг натижалари ҳам чакки эмас. Уни қўйидаги кўрсаткичлардан ҳам билиш мумкин. Ўтган ўқув йилида 10-А синф ўқувчиси Қосимов Шукрулло “Ёш тадбиркор” компьютер шоуси Республика кўрик-танловининг голиби будди. 9-А синф ўқувчиси Машрапова Нурхон “АКСЕЛС” дастури бўйича танловда голиб чиқиб, АҚШнинг Огайо штатида

бир йил ўқиб қайтган бўлса, яна бир ўқувчи Қодирова Нилуфар ҳам шундай ҳуқуқни қўлга киритиб, 2000-2001 ўқув йилида АҚШнинг Канзас штатида таълим олмоқда. Инглиз тили ўқитувчиси Ҳамроҳон Мажидова ҳам “АКСЕЛС” танлови голиби сифатида АҚШда икки ойлик сафарда бўлиб қайтди.

Халқаро “АКСЕЛС” жамияти МАКТАБГА 2000 долларлик ИНТЕРНЕТ тизимига уланган компьютер ва 200 долларлик китоблар совға қиладиган бўлди.

Зафаржон ҚОДИРОВ

ЎҚУВЧИЛАР ЎҚИТУВЧИ БЎЛГАН БЕЛЛАШУВ

Ўтган ҳафтада Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги Олим Хўжаев номли 21-ўрта мактабнинг фойдаланишга топширилганига 25 йил тўлди. Шу муносабат билан мактаб ҳовлиси ораста қилиниб, безатилди. Тантанана нафақадаги фахрий ўқитувчилар, мактабни битириб кетган ўқувчилар тақдир этилдилар. Тантананада мактаб директори Маъмура Сирожиддинова, маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Мастура Азимова маърузаларидан сўнг, мактаб ўқувчилари томонидан тайёрланган концерт дастури — шеър, кўшиқ ва рақслар ижро этилди.

Шу куни мактаб маъмурияти томонидан ўзига хос беллашув уюштирилди. Беллашувда битирувчи 11-синф ўқувчиларидан мактаб раҳбарияти ва ўқитувчилар тайинланди. Мактаб ўқувчилар ихтиёрига топширилди. 11-синф ўқувчилари қуйи синфларга турли фанлардан она тили ва адабиёт, рус тили, математика, физика, кимё ва бошқа фанлардан дарс беришди. Беллашув давомида юқори синф ўқувчиларининг билимлари синовдан ўтказилди. Тадбир сўнгида мактаб ўқитувчилари беллашув қатнашчиларига касбларининг машаққатли ва гаштли томонлари ҳақида савол-жавоб ўтказдилар. Беллашувдан иштирокчилар ҳам, ҳакамлар ҳам мамнун бўлишди.

Муниса НИШОНОВА,
Юнусобод туманидаги
21-ўрта мактабнинг
11 “Б”-синф ўқувчиси

Улар кўчадаги фонус тагида тўхташганда, Крэнли ёругда анжирни кўлига олиб кўздан кечирди, бурнининг катлакига бир-бир босиб ҳидлади-да, кичкина бўлакни тишлаб олиб тупуриб ташлади ва анжирни қулочкашлаб зовурга иргитди.

—Кет менинг қошимдан, лаънати, дўзах ўтида ён¹, - хитоб қилди у ўзи улоқтирган анжир ортидан.

У яна Стивеннинг тирсагидан ушлаб олди.

—Қиёмат куни бу сўзларни эшитишдан кўрқмайсанми? - сўради у.

—Хўш, эвазига менга нима лозим кўрилади? — сўради Стивен. - Деканимиз билан бирга жаннатда абадий ҳузур-ҳаловатда юришимиз?

—Ўзингни бос, унутма, у жаннатга тушади.

—Ҳа, албатта, - деди қизишиб Стивен. — шундай ақлли, гайратли, босиқ, энг муҳими, зехни ўткир² бўлса.

—Жуда қизиқ, - деди хотиржам оҳангда Крэнли, - сен ўзинг динни инкор қилаяпсану, бироқ уни бутун вужудингга сингдириб юборгансан, мени шу ажаблантира-япти. Коллеждалигингда ишонармининг? Гаров ўйнайман ишонардинг.

—Ҳа, - жавоб қилди Стивен.

—Ўша пайтда бахтиёрмининг? - юмшоқ қилиб сўради Крэнли. - Ҳозиргидан кўра бахтлироқ эдинг-да, а? —Баъзида бахтиёр эдим, баъзида - йўқ. Лекин ўшанда мен бошқача эдим.

—Қанақа бошқача? Нима деганинг бу?

—Айтмоқчиманки, мен у пайтда бошқа одам эдим, ҳозиргидай эмасдим, қанақа бўлишим кераклигидан кўра бошқача эдим.

—Бошқача эдим, ҳозиргидай эмасдим? Қандай бўлишим кераклигидан кўра бошқача эдим? - такрорлади Крэнли. - Битта савол берсам майлими? Сен онангни яхши кўрасанми?

Стивен секин бошини сермади.

—Нимани назарда тутаётганингни тушунмаяпман, - деди у хотиржам.

—Сен қачондир, кимнидир яхши кўрганмисан? - сўради Крэнли.

—Аёлларни демоқчимисан?

—Мен у ҳақда гапираётганим йўқ, - совуқроқ оҳангда эътироз билдирди Крэнли. — Мен сендан сўрапман: қачондир бировга ёки бирор нарсага кўнглингда севги ҳиссини туйганмисан?

Стивен дўстининг ёнида, қовоғини солиб, ерга қараб борарди.

—Мен худони севишга ҳаракат қилдим, - деди у ниҳоят юрагини очиб. - Назаримда, мен бунга уддалай олмадим. Бу жуда қийин. Мен доим бутун борлигимни худонинг иродасига бўйсундиришга уриндим. Гоҳида бунга эришдим ҳам. Эҳтимол, мен ҳозир ҳам...

Туйқусдан Крэнли унинг гапини бўлди:

—Сенинг онанг бахтли ҳаёт (Давоми. Боши газетамизнинг ўтган сонларида.)

кечирганми?

—Қаердан билай? - деди Стивен.

—Унинг нечта боласи бор?

—Тўққизтамиди, ўнтамиди, - жавоб қилди Стивен, - бир нечтаси ўлган.

—Отанг-чи... - Крэнли чайналди, кейин бироз сукут сақлаб деди, - Мен сенинг оилавий ишларингга аралашмоқчи эмасман. Бироқ сенинг отанг, ҳарқалай, бадавлат киши эди, тўғрими? Мен сенинг болалик пайтингни назарда тутаяпман.

—Ҳа, - деди Стивен.

—У ким бўлиб ишларди? - сўради Крэнли бироз сукут сақлаб.

Стивен бидирлаб отасининг ишлари-ю, кечирган кунларини санай бошлади:

—Талаба-шифокор, эшқакчи, хушовоз хонанда, ашаддий сиёсатчи, майда мулкдор, майда омонатчи, ароқхўр, ёқимтой, сергап, кимнингдир котиби, яна вино заводида кимдир, солиқ йиғувчи, синган савдогар, энди эса ўтмишини хиргойи қилиб юрган бир дарвеш.

Крэнли кулди ва Стивеннинг кўлини қаттиқроқ сиқиб, деди:

—Вино заводида кимдир —

чин бўлиши керак. Ҳақиқий бўлиши керак. Унинг чеккан укубатлари олдида бизнинг гоёларимиз, орзуларимиз ҳеч гапмас. Ўйин! Куруқ сафсата! Анов бақироқ эчки Темплининг калласидаям гоё бор. Маккэннинг миясидагоям — гоё. Йўлда юриб бораётган ҳар қандай эшшак менда гоё бор, деб ўйлаши мумкин.

Стивен, бу гаплар тагида нима яширинганини билишга уриниб, атай тергаб деди:

—Паскал, агар хотирам алдамаса, ўзини онасига ўптирмас экан, чунки у аёлларнинг тегишидан кўрққан.

—Демак, Паскал — чўчка, - деди Крэнли.

—Алоизий Гонзага³ ҳам, чамамда, шундай қилган.

—Унда Гонзага ҳам чўчка, - деди Крэнли.

—Черков уни авлиё деб ҳисоблайди-ку, - эътироз билдирди Стивен.

—Ким кимни нима деб ҳисобласа ҳисоблайверсин, мен барига тупурдим, - қатъий ва кўпол қилиб, чўрт кесиб деди Крэнли. - Мен уни, барибир, чўчка деб ҳисоблайман.

Стивен, ҳар бир сўзини

—Шуниг учун ҳам сен чўқинишни хохламайсан-да, а? - сўради Крэнли. - Хўш, демак, сен бунга унчалик кўшилмайсан? Бундан чиқдики, вино билан нон чиндан ҳам худо ўғлининг вужуди ва қони бўлиши мумкин, бу шунчалик удум бўлмаса керак, деб кўрқасан шекилли?

—Ҳа, - хотиржам жавоб қилди Стивен. - Мен бунга ҳис қиламан ва шуниг учун бу менга ғойибдан кўрқинчли туюлади.

—Тушунарли, - деди Крэнли.

Стивен, уни хайрон қолдирган оҳангда, гапида давом этди.

—Мен кўп нарсадан кўрқаман, - деди у, - итдан, оддан, милтиқдан, денгиздан, момақалдирокдан, машинадан, тунги қишлоқ йўлларидан.

—Бирок нега сен бир бурда нондан кўрқасан?

—Менинг назаримда, - деди Стивен, - мен кўрққан нарсаларнинг барининг ортида кўрқинчли ҳақиқат бор.

—Демак, сен, - сўради Крэнли, - агар кўнглингда ишонмай туриб чўқинсанг, рим-католик черкови тангриси лаънатлаши ва ўлимга маҳкум этишидан кўрқасан, шундайми?

—Рим-католик черкови тангриси буни ҳозир ҳам қилиши мумкин, - деди Стивен. - Бироқ мен тимсолга ёлғондакам сигинганимдан кейин вужудимда бошланадиган кимёвий жараёндан кўпроқ кўрқаман, ахир, бу тимсол ортида йигирма асрлик куч-қудрат ва ихлосу иззат-икром ётибди.

—Агар ҳаётинг хавф остида қолса, - сўради Крэнли, - сен бу куфрликни адо этармининг? Дейлик, сен католик эътиқоди қувгин остига олинган даврда яшаганингда нима қилардинг?

—Мен ўтмиш учун жавоб бермоқчи эмасман, - деди Стивен. - Эҳтимол, кўлимдан келмас.

—Демак, сен протестант бўлмоқчи эмассан.

—Мен эътиқодимни йўқотдим, - жавоб қилди Стивен. - Бироқ мен ўзимнинг қадримни йўқотганим йўқ. Киши бир мантиқли ва изчил маънисизликдан воз кечиб, бошқа бир мантиқсиз ва изчил бўлмаган маънисизликни қабул қилса, буни чинакам хурлик, деб бўладими?

(Давоми бор.)

Изоҳлар:

1. Қиёматда Иисуснинг гуноҳкорларга қарата айтган сўзлари: "Кетингиз менинг қошимдан, лаънати-лар, дўзах оловида ёнинг!"

2. Фома Аквинский фикрича, руҳонийга хос бўлган фазилатлар.

3. Алоизий Гонзага нафси ўлдира билгани боис католик черкови томонидан эъзозланади.

4. Стивен бу ўринда Инжилдаги, масалан Марк баён этган муқаддас Хушхабардаги (3,33) Иисуснинг куйидаги сўзларини назарда тутати: "Уларга жавобан: — Менинг онам ва укаларим ким? - деди. Сўнгра атрофида ўтирганларга назар солиб деди: — Мана, менинг онам ва укаларим!"

5. Франсиско Суарес (1548-1617) — файласуф, Фома Аквинскийнинг шарҳловчиси.

АҚШГА СОВҒА ҚИЛИНГАН ОЗОДЛИК ҲАЙКАЛИ

Дунёда шундай нарсалар борки, кўриб ҳайратга тушасан киши. Дунёнинг етти мўъжизаси, Париждаги Эйфель минораси, японларнинг сув остида барпо этган метрополитени каби иншоотлар шулар жумласидандир. Ушбу фикрада сизга бутун инсониятнинг ҳайратига сазовор бўлган яна бир иншоот бўлмиш АҚШдаги Озодлик ҳайкали ҳақида маълумот бермоқчимиз. "Дунёни ҳақиқатдан огоҳ этгувчи ҳайкал" деб номланган бу гўзал иншоот аслида Парижда ҳайкалтарош Август Бартолд ва муҳандис Густав Эйфеллар томонидан ясалган (1875-1884 йиллар) бўлиб, 1884 йил 4 июлда французлар томонидан АҚШга совға қилинган. Ҳайкалнинг ҳажми анча йирик бўлганлиги сабабли (баландлиги 46.50 м) Франциянинг "Isere" кема-сида бир неча қисмларга бўлиб, олиб келинган.

Ҳайкал олиб келингунга қадар (1883-1884 йиллар) бугунги кунда Озодлик ороли деб аталувчи Эллис оролида архитектор Ричард Хант лойиҳаси асосида ҳайкалнинг пойдевори бунёд этилди. Пойдеворнинг бўйи 46.49 м.ни ташкил этади. Ҳайкал 1886 йил ўрнатилган ва шу йил 28 октябрь куни президент Гровер Кливленд томонидан АҚШга расман қабул қилинган. "Биз озодликни шу ерни макон қилиб олганини унутмаслик билан бирга, у танлаган тахтни ҳам эътиборсиз қолдирмаймиз", деган эди президент очилиш маросимида. 1924 йил 15 октябрда эса у Миллий ҳайкал деб эълон қилинган.

Ҳайкал тожида 25 та дераза (дунёдаги табиий минераллар сонини англатади) ва 7 та "шоҳ" (дунёдаги 7 та океани билдиради) бўлиб, унинг чап кўлида Рим рақамларида "1776 йил 4 июль" деган лавҳа бор.

Ҳайкалнинг оёғидан бошигача узунлиги - 33.86 м., чап қўл - 5 м., кўрсаткич бармоғи - 2.44 м., тирноқ катталиги - 33 x 25.4 см., иягидан тожгача - 5.26 м., икки қулоқ ораси - 3.05 м., икки кўз ораси - 0.76 м., бурун - 1.48 м., ўнг қўл узунлиги - 12.8 м., бел қалинлиги - 10.67 м., оғиз кенглиги - 0.91 м.ни ташкил этади.

Ботиржон ҒОҒУРОВ,
Баҳодирхон ЭЛИБОЕВ,
«Маърифат» мухбирлари

Жеймс ЖОЙС

МУСАВВИРНИНГ ЁШЛИКДАГИ ШАМОЙИЛИ

Роман

зўр экан, жин урсин!

—Хўш, яна нималарни билдинг келаяпти? - сўради Стивен.

—Ҳозир қандай, яхши яшаяпсизларми? Ҳаммаси яхшими?

—Уст-бошимдан сезилмаяптими? - кўрслик билан сўради Стивен.

—Хў-ўш, - деди Крэнли ҳаёлчан, - сен, демак, бой-бадавлат оилада туғилгансан.

Бу гапни у овозини баландлатиб, техникага доир муҳим атамаларни айтаётгандай, дона-дона қилиб айтди ва бу билан ўзи айтган гапга ишонқирамаётганини Стивенга билдириб қўйгиси келаётганига ишора қилди.

—Сенинг онангга, ҳарқалай, анча қийин бўлгандир? - давом этди Крэнли. - Нега энди уни сен ортиқча хафагарчиликдан халос қилиб қўя қолмайсан, ҳатто агар...

—Агар мен буни истасам, - деди Стивен, - бу менга ҳеч гапмас, осон.

—Шундай қила қол-да, - деди Крэнли. - Онанг айтгандай қил. Шу қийинми сенга? Агар кўнглингда ишонмасанг, ишонмай қўя қол, шунчаки расмиятчилик учун чўқинсанг бўлди, холос. Унинг кўнгли тинчийди.

Крэнли жим қолди, Стивендан жавоб бўлавермагач, орадаги жимликни бузмади. Кейин, гўё хаёлида кечаётган ўйларни овоз чиқариб айтаётгандай, деди:

—Биз дунё деб атайдиган бу кир ўрада она меҳридан бошқа ҳаммаси омонат. Сени она дунёга келтиради, вужудида авайлаб кўтариб юради. Унинг кечирган азобларини биз қаердан биллайлик? Бироқ у нималарни бошидан кечирмасин, кўнглидан ўтказмасин — бари, ҳар ҳолда,

ўйлаб, салмоқлаб деди:

—Иисус ҳам онаси ҳақида одамлар олдида алоҳида эҳтиром билан гапирмаган⁴, бироқ иезуит илоҳиётчиси, испан боёни Суарес⁵ уни ҳақли деб ҳисоблайди.

—Айт-чи, бирор марта сенинг каллангга, - сўради Крэнли, - Иисус ўзини халойиққа аслидан бошқача қилиб кўрсатган, одамларни чалғитган, деган фикр келмаганми?

—Менимча, бошига бундай фикр келган биринчи одам, - жавоб қилди Стивен, - бу Иисуснинг ўзи.

—Йўқ, мен айтмоқчиманки, - овозини кескин кўтариб, давом этди Крэнли, - қачондир сенинг каллангга у онгли риёкор ёки оддий қилиб айтганда, аблах, деган фикр келмаганми?

—Тан олиб айтаман, ҳеч қачон менинг миямга бундай фикр келгани йўқ, - жавоб қилди Стивен, - бироқ қизиқ, сен мени динга киргизишга уринмоқчи бўлаяпсанми ёки ўзингни йўлдан оздирмоқчимисан?

Стивен унинг юзига қараб, беписанд кулимсираётганини кўрди, юзидаги бу ифодага Крэнли сирли маъно беришга уринарди.

Туйқусдан Крэнли дадиллашиб, дангал сўради:

—Виждонан айт-чи, менинг гапларим сени нокулай аҳволга солиб қўймадими?

—Бироз, - деди Стивен.

—Хўш, нега энди? - давом этди Крэнли гапининг оҳангини бузмай. - Ахир, сен ўзинг динимиз алдов эканига, Иисус худонинг ўғли эмаслигига ишонсан-ку.

—Бу гапингга мен унчалик кўшилмайман, - деди Стивен. - У, ҳарқалай, худонинг ўғли бўлса керак, Марямнинг эмас.

"МИР" ҚАЕРТА ҚУЛАЙДИ?

Россиянинг "Мир" орбитал комплекси ҳар куни Ер томон 300-350 метр яқинлашиб келмоқда. Агарда ушбу фазовий станция орбитадан чиқиб, атмосфера қобилини ёриб кирса, у ҳолда "Мир" заминимизга кулаб тушади. Бунинг олдини олиш учун Бош конструкторлар кенгашида станция орбитасини кўтаришга аҳд қилинди. Бу ишни амалга ошириш учун фазога юк ташувчи "Прогресс" кемаси учурилади. Старт 16 октябрга мўлжалланди. Бундай тезкорлик ниҳоятда зарур: мутахассисларнинг фикрича, "Мир"нинг орбитадан чиқиб кетишига атиги 11-15 ҳафта қолди. Кулаш ибтидосининг аниқ вақтини айтиб бўлмайди, чунки бу Куёш активлигига ҳам боғлиқ; ҳар 11 йилда бир бўладиган унинг фаоллик даврида (ҳозир айни шу дам) станция кунда 300 дан ортиқ метрга тушиб боради, сокин йилларда эса — фақат 80-100 метрга, Куёшнинг яқин ойларда "ўзини қандай тутиши" аниқ эмас. Активлик юқори бўлганда, "Мир" (агарда орбита кўтарилмаса) Ерга 2000 йилнинг декабрь ойидаёқ, Куёшнинг фаоллиги пастроқ бўлса, 2001 йилнинг январидан кулаб тушади.

Нима бўлганда ҳам орбитал станциянинг Ерга "қўниш"ига йўл қўймаслик ке-

рак. Оғирлиги 130 тонна бўлган "Мир"нинг 6 модули (яъни ўзига хос "қанот"лари) бўлиб, икки тарафда учтадан жойлашган. Модуллар узунлиги: 33; 27,5 ва 31 метр. Станциянинг ички сиғими 400 кубометр-ни ташкил этади. Ерга тушаётганда "Мир"нинг катта қисми атмосферада ёниб кетади, лекин шунда ҳам мутахассисларнинг фикрича, унинг 10-13 тоннаси Ерга "етиб келади". Ҳавода станция ўнлаб бўлақларга ажралиб кетади. Уларнинг катталиги футбол коптогидек ёки катта-катта юз килограммлик бўлиши ҳам мумкин.

Энди фараз қилинг: ловуллаб ёниб турган металл "метеорит"лар Париж, Буэнос-Айрес, Қоҳира ёки Манилани "бомбарди-мон" қилишмоқда (ким "Армагеддон" фильмини кўрган бўлса, бу ҳол дарров кўз олди-га келади). Юқоридаги шахарлар номи беқорга келтирилмади. "Мир" космик станцияси бўлақларининг тушиш жойлари жуда катта ҳудудни: деярли бутун Жанубий Американи, Шимолий Американинг катта қисмини, Африка, Австралияни, Оврўпо ва Осиёнинг учдан икки қисмини ўз ичига олади.

Айтиб ўтиш жоизки, илгари ҳам шунга ўхшаш воқеалар содир бўлганда (умид қиламизки, бу гал ундай бўлмайди, иншооллох). 1979 йили Американинг "Фазовий

лаборатория"си — "Скай лэб" ерга кулаб тушган эди (унинг бўлақлари Австралияга сочилиб кетганди), 1991 йили эса — Россиянинг "Салют —7"си (айрим парчалар Жанубий Американинг гарбий қирғоғига, хусусан, Чилига тушган). Иккала ҳолатда ҳам бутун дунё аҳли станциялар қаерга тушар экан, деб юрак ҳовучлаб ўтирганди. Яратганга шукрим, ҳеч қандай офату кўнгилсиз воқеалар рўй бермади ("Салют" парчаси Чилидаги сигирнинг бошини егани ҳисобга олинмаганда). "Бомба"ларнинг кўпини уммон ўз домига олганди. Лекин фақат омадга таяниб ҳам бўлмайди. Шунинг учун ўша "Салют—7"дан беш карра оғир бўлган "Мир"ни олдиндан ҳисоблаб чиқилган траектория бўйлаб Ерга аста тушириш керак, деган фикрлар ҳам билдирилмапти.

Ушбу орбитал комплекс коинотда 15 йилдан бери ишлаб келмоқда. Унинг бортида 11,5 тонна 27 мамлакат маҳсулидаги қимматбаҳо ускуналар мавжуд. "Мир"нинг нархи — 3 миллиард доллар. Станциядан яна уч йилдан озроқ давр мобайнида фойдаланиш мумкин. Лекин кўринишидан, бир неча ойдан сўнг унинг куни битади, шекилли. У ҳолда станцияни Тинч океанининг жанубий қисмида чўктириш режалаштирилган.



АҚШ сенати келгуси молиявий йили ҳарбий харажатлар учун 310 млрд. доллар ажратишни тасдиқлади.

РФ Давлат Думаси депутати Райков Россияда ўлим жазосини тиклаш гоёсини илгари сурмоқда.

Исроил ҳукумати фаластинликларнинг Ибодатхона тоғига ҳужум навозини ўқиш учун ўтишларини вақтинча чеклаб қўйди.

Кеча Буюк Британиянинг Ямандаги элчихонаси биносидан портлаш юз берди. Курбонлар бўлмади.

ЕР ЮЗИДА

Хитой ўз армиясида сўнгги 36 йилдаги энг катта ҳарбий-ўқув ишларини олиб бормоқда.

БМТнинг вақтинчалик маъмурияти Югославия ҳарбийларининг Косового қайтишларига норозилик билдирапти.

Буюк Британиянинг жанубий ҳудудлари кучли сув тошқинидан талофат кўрди, вазиятнинг оғирлашуви кутилмоқда.

Кеча Исроил вертолети Иерихондаги Фаластин хавфсизлик кучлари академияси биносини ўққа тутди.

Украинадаги фермер хўжаликлари сони 38 мингга етди.

Чеченистонда Грознийда содир бўлган террористик ҳаракатлар билан боғлиқ сабабларга кўра хавфсизлик чоралари кучайтирилади ва маҳаллий аҳоли билан биргаликдаги ишлар жадаллаштирилади.

Саҳифани Интернет хабарлари асосида Жамшид САЪДИНОВ тайёрлади.

АМЕРИКА ФИЛЬМЛАРИ... АМЕРИКАЛИКЛАРГА ЁҚМАЙДИ

Шимолий Каролина(АҚШ)-даги кинотеатрлардан бирининг хўжайини Барри Флуд ўз ишхонасини ёпди. Ва эшикка қўйидаги эълонни илб қўйди: "Дуруст фильмлар яратилгунга қадар ёпиқ". Флуд оилавий томоша учун мўлжалланган фильмлар йўқлигидан нолимоқда. "Менинг томошабинла-

рим ҳозирги кунда Голливуд ишлаб чиқараётган фильмлардан-да зўрроқ, мазмунлироқ кинолар кўришга лойиқдирлар", — дейди у. Барри Флуд бундай, унинг фикрича, савияси ўртачадан паст даражада бўлган фильмларни кўрсатишдан кўра моддий талофатга чидаб ўтиришни афзал билади.

ГОЛЛИВУДНИНГ БОЙВУЧЧАСИ

Жеймс Улмернинг "Hollywood Hot List" рўйхатида "Нозанин" ва "Ноттинг Хилл" фильмларида бош ролларни ижро этган актриса Жулия Робертс Голливуднинг энг бадавлат актёри деб тан олинди. Ундан сўнг рўйхатда Том Хэнкс ("Оддий аскар Райанни кутқариб"), Том Круз, Мел Гибсон ("Шерюрак"),

Брюс Уиллис, Жон Траволта ("Криминал ўқиш"), Бред Питт, Мэг Райан ва ниҳоят, Леонардо Ди Каприо бойваччалар сафини тўлдириб турибди.

P.S. Жулия Робертс Голливуднинг энг кўп ҳақ тўланадиган актёрлар клуби — "20 million dollar"га киритилган илк аёл бўлди.



Ривожланаётган мамлакатларда 130 млн.га яқин бола бошланғич таълим олиш имкониятига эга эмас. Уларнинг учдан икки қисми киз болалардир. Суратда: Боготалик (Колумбия) икки қизалоқ яқинба кунлари ташкиллаштирилаётган норасмий машғулотларда ёзишни ўрганаётгани акс этган (ЮНИСЕФ/87-0005 / Timie).

Сент-Луисдаги Вашингтон университети мутахассислари доктор Михаил Золотов ва Брюс Фигли Hubble космик телескопи ёрдамида Юпитернинг йўлдоши — Ио мушоҳадаси мобайнида олинган кимёвий маълумотларни анализ қилишди. Улар ушбу йўлдошдаги вулконлар отилиши характерини ўрганиб, қўйидаги тўхтама келишди: Ио мантиясининг тузилиши Ер мантиясиники билан ўхшаш экан! Уларнинг фарқи эса, жараён мобайнидаги магмадан тур-

ИО МАНТИЯСИ ЕРНИКИДАН ФАРҚ ҚИЛМАЙДИ

ли хил тоғ жинслари пайдо бўлишида экан, холос.

Эслатиб ўтамиз, мантия, бу — қобиқ билан ядро орасидаги қаттиқ "ўрам". Ердаги мантия ҳажми сайёрамиз ҳажмининг 83 фоизини, унинг массаси эса Ер оғирлигининг 67 фоизини ташкил этади.

Hubble телескопи орқали ёзиб олинган спектрларга асосланиб, Иодаги энг фаол вулконлардан бири — Пеленинг лава отишида магманинг ҳарорати аниқланди. Шуниси ҳам диққатга сазоворки, олинган ҳарорат Юпитер орбитасида жойлашган Galileo зонди берган маълумотлар асосида аниқланган ҳароратга тўғри келди. Бундан чиқди, Юпитер магмаси ҳам Ерникига ўхшаш экан-да...

ИККИ ДУНЁ ОРАСИДА...

Икки-уч шифокорлар ҳузурида бўлиб, ўзим ҳақимда, тугрироғи 2 йилдан бери мени безовта қилаётган касаллик ҳақида уларнинг хулосаларини эшитиб, тушқунликка тушиб қолдим. Айниқса, кейинги пайтларда оғриқнинг тез-тез хуруж қилиб туриши бир лаҳза бўлсин, ҳаётнинг бошқа ташвишлари билан чалғишимга имкон бермай қўйди. Нима қилиш керак?! Хулосани олиб бўлганман: "Операциянинг ижобий яқунланишига кафолат йўқ".

Уйлаганим сайин...

Ахир, ота-онанинг умид билан устираётган фарзандларини элига эш бўладиган қилиб тарбиялаб, қаторга қўшиш, кичкина бўлса-да, эътиборга, таҳсинга лойиқ бўлган кунларини кўришдан кўра катта орзуси борми?

Бари бир яшагинг келар экан. Ҳар кунги талабчанлигинг сусайиб, дард билан олишиб қолаётганини зийраккина болаларнинг сезиб турганини кўриш қанчалик оғир бўлса, шунчалик сенга далда ҳам бўларкан.

Атрофингда айланишиб, туполонларини ҳам йиғиштириб қўйган, бир пасда эси кириб, улғайиб қолаётган дилбандларининг ҳар бир сўзи, ҳаттиҳаракати сенинг уларга кераклигини таъкидлаётган ради, гўё... Ҳаётни эса шу тарзда утказавериш ўзинга ҳам, атрофиндагиларга ҳам оғирлик қиларкан. Кимгадир кераклигини ҳис этиб яшаш шунчаки умр утказиш дегани эмас экан.

Нажот бўлиши керак. Уни қидириш лозим, зеро у ўзи келмайди.

Шу уйлар билан ҳаёлим банд бўлиб, йўлга чиқдим. Мен борлигимга ишонган нажот — кишилар саломатлиги йўлида фидокорона меҳнат қилаётган, оқ

халатли дўхтирлар қўлида эканлигимни билсам-да, умидим сунган. Яна бошқасига учрашишдан наф борми?! Йўлга чиққанамда режалаштирган ишларимни бир четга суриб, яна ишхонам томон ихтиёрсиз юриб кетавердим. Ҳарқалай иш билан бироз чалғийман. Ҳамкасблардан не-не тушқун ҳолатларга таскин топганман-ку, дея ўйладим.


Йўқ. Навбатдаги оғриқ ишхонада қолишимга йўл бермади. Дугонамнинг маслаҳати билан, гарчи врач қабулида бўлишдан безиб қолган бўлсам ҳам, у ёзиб берган манзил бўйича шифохонага йўл олдим. Юрагимда бир илнж... Шифохонада мени истараси иссиқ ва ширинзабон шафқат ҳамшираси қарши олди. Исми жисмига монанд Умида экан, худди бу қиз нажот қалъаси каби мени ўзига ром этди. Ҳамшира мени шифокор ҳузурига бошлаб кирди. Врач қабулида бўлдим. Касаллигим бўйича дастлабки ташхис натижаларини кўриб чиқишди. Даволовчи врачнинг самимий оҳангда: "Жарроҳлик йўли билан сизни дарддан халос этиш мумкин. Бунинг учун тажриба ҳам, дори-дармон ва энг замонавий асбоб-ускуналар ҳам бизда етарли", деган сўзлари мени гўёки жонлантириб юборди. Ўзимни гўё кун сайин болаларимдан, оиламдан узоқлашиб бораётгандек, ҳаётдан безган кишидек сезиб юрувдим. Тиббиёт фанлари номзоди, 20 йилдан зиёдлик иш тажрибасига эга Алишер Исмоиловнинг ишонч билан сўзлаши мени бу кайфиятдан халос қилди. Менинг "Қачон даволанишим мумкин?" дея ҳаяжон билан берган саволимга, "Ҳоҳласангиз, бугуноқ. Чунки, дард деб юришга арзимайдиган касалингиз

Taqdir

бор экан", — деб жавоб бердилар у киши. Мен "Уч кундан кейин келсам, уйдаги ишларимни ҳам саранжомлаб олсам", дея шифокор билан хайрлашдим. Миямда эса, болаларимнинг дийдори-

бадам кўз ўнгимдан утар, ҳиқилдоғимга нимадир тиқиларди.

Мен ҳақимда анестезиолог Баҳодир Шамшиметов билан гаплашиб олишди. "Ун беш дақиқалик жараён, ҳаммаси шунга яраша бўлсин", — деди врач. Ҳамшира Умида Муҳиддинова мени операцияга тайёрлаш учун олиб чиқди.



га тўйиб-тўйиб олиш ҳаёлигина чарх урарди, холос...

Уч кун ҳам ўтди. Отажонимнинг руҳларидан мадад сўраб, ҳақларига дуо айлаб, пойтахтимиздаги "MDS-Service" даволаш мажмуасига йўл олдим. Бугун операция столига ётарканман, болаларимни мактабига одатдигдек қузатиб қўйганим, дам-

— Ўн беш дақиқа экан, наркоз шарт эмас! Бир оз оғриқ бўлса, сезмаганингиз маъқул, — деди Баҳодир хотиржамгина. — Аввалги жарроҳлик усулида олган муолажаларингиз сизни хавотирга солаётган бўлса, бунга асло ўрин йўқ, деб таъкидлашгач, мен анчагинатинчландим...

Кўзимни очганимда, қордек оппоқ халатдаги Умида жилмайбгина қараб турарди. Сунгра Алишер Исмоилов ҳам келиб ҳол-аҳвол сўради.

— Энди бу дард сизни безовта қилмайди, ўғилқизларга тўй қилганингизда бизни ҳам айтинг, — дея ҳазилнамо кулганча иш жойига бориб ўтирди.

Ҳозир оилам бағридаман. Оллоҳга минг шукрлар бўлсинки, қўли эм, сўзи малҳам шифокорларнинг муолажаси туфайли жўшқин ҳаёт бағрига қайтдим. Бир ярим соатдан ортиқ давом этган жарроҳлик операциясидан олдин ҳам, кейин ҳам менга ширин сўзлари билан-да шифо бўлган "MDS-Service" ходимларига бир умр ташаккур айтиб яшайман. Ҳаётда ширин сўз жон озиги эканлигини англадим, ҳис қилдим.

24 соат — узлуксиз фаолият кўрсатаётган бу даволаш мажмуаси дунёдаги энг сўнгги техник воситаларга эга эканлиги, шифохонада зарурий шароитлар мавжудлиги билангина эмас, балки юксак даражадаги муомала маданияти билан ҳам тилга тушган.

Ушбунни ёзишдан мақсадим кимгадир шахсий ташаккуримни билдириш эмас, балки одамларни умидсизлик ботқоғидан эсон-омон олиб чиқишга қодир шифокорларнинг орамизда борлигини, бу эса барчамизга ҳаётни севиб яшашга, орзу-умидларимизнинг рўёси ҳақиқат эканлигига ишониб яшашлари кераклигини яна бир эслатиб қўйиш эди холос.

Исми-шарифи сир тутилишини истаган бемор аёл кувончларини оққа кўчирувчи Фахриддин КАРИМОВ.

Суратда: Тиббиёт фанлари номзоди, олий тоифали шифокор Алишер Исмоилов иш жараёнида.

Равиль АЛБЕКОВ олган сурат.

САРИМСОҚПИЁЗНИНГ ДАВОЛОВЧИ ХУСУСИЯТИ

Тадқиқотларнинг тасдиқлашича, кундалик ҳаётимизда кенг истеъмолда бўлган саримсоқ пиёз қондаги холестерин миқдорини камайтириш хусусиятига эга, деб ёзади "Космополитен" журна-ли. Бундан ташқари, у холестерин таркибидаги моддаларнинг қуюқлашувига йўл қўймайди, қуюқ бўлмаган холестерин эса унчалик зарарли эмас. Бунга саримсоқ пиёз таркибида қонни "суюқлаштирадиган" моддалар борлигининг аниқланганлиги сабаб бўлса керак.

Саримсоқ пиёзнинг даволовчи хусусиятлари аспиридан кам эмаслиги ҳам аҳамиятга моликдир. Микробиологларнинг исботлашича, саримсоқ пиёз бурун касаллигининг кўзгатувчи риновируслар ҳамда грип вируслари "жонсизлантиради". Қатор тадқиқотлар саримсоқ пиёз организмнинг касаллик юқтирмаслиги ва касалликларга қарши курашишда иммунитетни кўтариш хусусиятига эга эканлигини ҳам исботламоқда. Шунингдек, рак касаллиги ҳар хил турларининг ривожига ҳам саримсоқ пиёз таркибидаги моддалар тўсиқ бўла олиши бугунги кунда ўз тасдиғини топмоқда.

"Интернет" хабарлари асосида Дилшоода МУБОРАКОВА тайёрлади.

— Фарзандларимиз руҳан, жисмонан соғ-саломат туғилса, шундагина кўксимиз тоғ, ҳаётимиз мазмунли, бахтимиз тугал бўлади. Соғлом авлод билангина юртимиз тинч, элимиз ободдир, — дейди Ўзбекистон Республикаси СКРИнинг маркази директори, тиббиёт фанлари номзоди Леонид Исаков. — Соғлом фарзанд ўз-ўзидан дунёга келмайди. Бунинг учун, энг аввало соғлом муҳит яратилмоғи, қолаверса, аёлларимиз соғлом, бақувват бўлишлари керак.

Марказимиз Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йилда қабул қилинган 140-сонли қарорига биноан ташкил этилди. Унинг олдидаги асосий вазифа ҳар бир фарзанднинг соғ ва саломат дунёга келишини таъминлашдан иборат.

Маълумки, кишиларда ирсий касалликлар учрайди, бу ўз навбатида болаларга ҳам ўтиши мумкин. Бизнинг марказ ана шу касалликларни чақалоқларда йўқотиш учун барча

2000 yil — Sog'lom avlod yili

чора-тадбирларни амалга оширади.

Дарвоқе, бу марказ ўз фаолиятини 1999 йилда бошлади. Она қорнидаги чақалоқ Грециядан олиб келинган "Дельфия" тиббий асбобида текшириб

ОНА ҚОРНИДАГИ ВУЖУД

кўрилади. Бу сўзнинг лугавий маъноси "Ҳақиқат" деганидир. Бу асбоб она қорнидаги чақалоқда бирор нуқсон ва етишмовчиликлар бўлса, тўлалигича "айтиб" бера олади. Бу билан чақалоқда пайдо бўлган касалликларнинг олдин олиш мумкин.

Марказимизда 30 киши хизмат қила-

дини. Генетик-эндокринолог, статистик врач, нервпатоологлар хизмати бепул. Марказ ташкил топгандан бўён 50 минг-дан ортиқ ҳомила текширилиб, улардан 20 нафаридан тўғма гипетериоз аниқланди ва даволаш ишлари олиб борилди. 2000 нафар ҳомиладор аёллар перинатал скрининг бўйича текширилди ва уларнинг 18 нафари хавф гуруҳига олинди.

28611 нафар 1 ёшгача бўлган болалар тиббий назоратга олинди ва патронаж билан таъминланди. Патронаж даврида оиладаги муҳит ўрганилиб, оила аъзоларининг тиббий ма-лакаси оширилиб, тушунтириш ишлари олиб борилди.

Ҳа, дунёнинг давомийлиги, абадийлиги, соғлом авлодга боғлиқ. Демак, бундай марказларнинг ташкил этилишини қўллаб-қувватлаш лозим.

Насриддин БОТИР

«НАФСОАТ» — ИЖОДКОР ЎҚУВЧИЛАРНИНГ АНЖУМАНИ ОЛДИДАН

ОНАМНИНГ
НАСИХАТИ

Фотиҳага қўл очиб,
Камлик кўрма дейдилар.
Меҳр нурларин сочиб,
Эгри юрма дейдилар.
Очилсин элга бахтинг,
Кўксинг бўлсин доим тоғ.
Мустақкам бўлсин тахтинг,
Дилинг кўрмасин ҳеч доғ,
Ҳеч ҳам дилозор бўлма,
Қазима бировга чоғ,
Ёмонликни кўзлама,
Ўзинг тушасан ногоҳ,
Насиҳатим: ол билим,
Камлик кўрмайсан, болам.
Меҳнат қилсанг ҳар доим,
Гўзал бўлади олам.

Камола АБДУЛЛАЕВА,
Наманган шаҳридаги
5-ўрта мактабнинг
8 - "В" синф ўқувчиси

ЙЎЛЛАР

Етиб келдик навбатдаги бекатга,
Йўллар тугамайди, улар битмасдир.
Ҳаёт сўқмоқлардан ўтиб бирма-бир.
Эртакир буларнинг бари кимгадир.

Кимдир бу йўлларда бахтини топди,
Яна кимдир энг азиз дўстин йўқотди.
Аммо, булар кимгадир нодир сабоқдир,
Кимлардир ғийбатлар тошини отди.

Ғам-алам, қайғулар соя солганда,
Кимдир бу сояни четлаб ўтади.
Кўзларга ёш келиб кўнгил тўлганда,
Кўз ёшлар дарёдек сокин оқади.

Бунёдjon АЛИБОВЕВ,
Поп туманидаги
3-ўрта мактаб ўқувчиси

ОНАЖОНИМГА

Онажоним, меҳрибоним
Сиз кўзимнинг нурисиз.
Сиз қалбимнинг оташи-ю,
Борлиғимнинг барисиз.
Онажоним кўп нарсани,
Ўзингиздан оламан.
Орият қатъийликни,
Шиорим деб биламан.
Келажакда мен ҳам бир кун,
Балки шоир бўламан.
Шеърларимнинг устози деб.
Фақат сизни биламан.

Камола РАҲМОНОВА,
Жиззах туманидаги 11-ўрта
мактабнинг 9-синф ўқувчиси

АҲИЛЛИК

Яқинда синфимизга қўшни ту-
мандан янги қиз бола келди. Исми
Нигора. Синфимиз қизлари — уни
жуда яхши кутиб олишди. Уни ило-
жи борича ёлғиз қўймасликка,
дарсларни ўзлаштиришига яқиндан
ёрдам бердик.

Нигора кўринишидан хушқолга
ўхшаса-да, лекин юрагида қандай-
дир дард борлигини сезардик.

Кунларнинг бирида биз Нигора-
дан нега хафалиги боисини сўрага-
нимизда "Ҳеч ҳам хафа эмасман",
деб "қутилмоқчи" эди, аммо биз-
нинг қистовларимиздан сўнг дар-
дини ошкор қилди.

Айтишича, отаси вафот этгандан
сўнг онаси ҳамда укалари билан
қишлоққа бувисикига кўчиб кели-
шади. Бу ерга келгандан кейин она-
сининг аҳволи оғирлашиб, бетоб
бўлиб қолади.

Энди уй ишларининг барчаси
Нигорага тушиб, шунинг учун у дар-
сларга ҳам улгурмай қолаётган
экан.

Қизлар буни эшитиб, бу масала-
ни синф мажлисига қўядиган
бўлишди. Синф мажлиси ҳам бўлиб
ўтди. Бунда ўқувчилар маслаҳатла-
шиб, ҳар ҳафтада бир кун Нигора-
ларникига бориб кўмаклашадиган
бўлдик. Мен ва Дилдора унга дар-
слардан қарашиб тураимиз.

Ҳозир Нигоранинг ҳамма ишлар-
и жойида, онаси ҳам соғайиб кет-
ган, дарслардан ҳам аъло баҳолар
олади. Биз синфдошлар Нигоралар-
никига ҳали ҳам бориб тураимиз.
Бундан Нигора ҳам, бизлар ҳам шод.

Навбахор РАҲМОНОВА,
Шофиркон тумани
4-йўналтирилган мактаб ўқувчиси

— Қизим, гулларингга сув қўймайсанми? Тура-
қол...

Саҳар онамнинг майин каломидан кўз очаман. Бог
четидаги ариқдан муздек сув оқади. Ювсам, юзларим-
ни чимчилаб ўтади.

Шунда бирдан боғимиз томондан булбулнинг жа-
рангдор хониши эшитилади.

"Булбулни қара, ғира-шира
тонгдан бери сайрайди". Онам
булбул навоси остида елиб-югу-
риб юмушларини қилади, мен

ҳам яйраб-яшнаб гулларимга сув қуяман.

Гултожихўроздаги биллур томчиларида энди бош
кўтариб чиқаётган қуёшнинг ёғдуси бор. Барглар, яп-
роқларнинг чехраси ёниқ. Юрагим ёришиб кўчага чи-
қаман. Дугонамни учратаман, унга: "Юр, булбул на-

восини эшитамиз" дейман. У ўрикзор оралаб
таралаётган куйга бепарво қўл силтайди: "Эй-э,
буям бир қуш-да, сайрашини кўп эшитганман,
юр, яхшиси данак йиғамиз".

Мен унинг бепарволигидан хафа бўлиб кета-
ман. Худди у ҳам, бошқалар ҳам тонгда сайраёт-

ган булбулни тинглашга
мажбурдек, ўзимча сиқи-
ламан. Уйга чошиб кириб,
дафтаримни очсаму...

Менга данак йиғишу
ўрик теришдан ҳам завқироқ машгулот — бул-
бул навоси эканлигини ҳамма-ҳаммага ҳайқириб
айтгим келаверади...

Нодира НОРТОВА,
Тошкент вилояти Паркент туманидаги
11-ўрта мактаб ўқувчиси

БУЛБУЛ НАВОСИ
(Қатра)

ўрик теришдан ҳам завқироқ машгулот — бул-
бул навоси эканлигини ҳамма-ҳаммага ҳайқириб
айтгим келаверади...

ЯНА ШЕЪРИМГА

Гоҳида қуёшнинг куламан секин,
Янги шеърларимни этаман кўз-кўз.
Шу лаҳза ўйланиб, биламан лекин,
Юрак дафтаримни безар нафис сўз.

Кувончу ғамлардан яралар минг байт,
Йиллар ҳам шеъримга бермоқда сайқал.

Ўзбекистон қуёшли ўлкам,
Тупроғингдир кўзга тўтиё.

Она каби қалбимда
малҳам,
Келажаким ёритган зиё.

Сен ўзингсан
бахтим-бахорим,
Ёшлигимга
бергайсан сурур.

Бобом Темур - доврўғли номи,

Сен менинг суянчим, тоғимсан албат,
Шеърят! Сен қалбда туганмас машъал.

Зулфия БОБОЕВА,
Навоий туманидаги
9-ўрта мактабнинг
9 «В»-синф ўқувчиси

Юрагимга бағишлар ғурур.

Керак эмас менга сийму-зар,
Ҳар бир тошинг
олтинга тенгдур.
Чин фарзандинг
бўлолсам агар,
Олам аро бу жаҳон кенгдур.

Сабина РАСУЛОВА,
Янгийўл шаҳри,
17-мактабнинг
7-синф ўқувчиси

ҚУЁШЛИ
ЎЛКАМ

ЧОРАК НИМЧА

Бор эканда йўқ экан, тоғлар
орасидаги ажойиб бир қишлоқда
Аҳмаджон деган бола яшаркан. У
ниҳоятда ишқамас, дангаса экан.
Унга бирорта иш буюриб қолса,
утирганича маслаҳат бериб қуя
қолар экан. Бувиси:

— Аҳмаджон бир пиёлагина сув
келтириб бергин, - деса.

— Бувижон бир пиёлага туймай-
сиз, челақдан хоҳлаганингизча
ичаверинг, - деб жавоб бераркан.
Онаси:

— Уғлим, овқатим пишмай қол-
ди, озгина утин келтириб бергин,
- деса:

— Утинни куп ёқманг, қишга
қолдирмай қуясиз, - деб утирга-

нича жавоб бераркан.

Кунлардан бир кун қушниси
Холпошша хола Аҳмаджоннинг
бувисидан ёғ сураб утибди. Шун-
да ёғ улчаб бериш учун тарози тош-
ларини топишолмабди. Қушниси
ховлида уйнаб утирган Аҳмаджон-
га:

— Уғлим бизникида чиққан тар-
ози тошлари бор. Қизларимга
айтсанг, топиб беришади. Ёш бо-
ласан югуриб олиб кела қол, - деб-
ди.

Аҳмаджон уридан ҳам қузғал-
май:

— Сизга қанақа тош керак, - деб
сурабди.

— Чорак нимча, - дейишибди.
— Ана ёнингизда мушук туриб-
ди. Айтганингизча чиқиб қолар,
тарозига тортиб қуринг, - дебди
Аҳмаджон.

Бувиси ҳам неварасининг ишқе-
мас, дангасалигидан уялиб, мушук-
ни тарозига қуя қолибди. У ҳам
чорак чиқибди-ю, нимча етмабди.
Қушни аёл яна:

— Уғлим, югуриб бориб кела
қол. Ахир яна нимча етмади, - деса:
— Думини қайтариб солинг, чо-

рак нимча чиқади, - дебди.

Бувиси қушнисининг олдида
неварасининг одобсизлиги, данга-
салигидан мулзам бўлиб қолиб,
уша кундан бошлаб Аҳмаджоннинг
уйидагилари тунини тескари
кийиб олишибди. Аҳмаджон бирор
нарсга сўрайдиган булса, улар ҳам
маслаҳат бериб қуя қолишадиган
булишибди.

— Опа, хурознинг расми қандай
чизилади, - деб сураса:

— Мушукка ухшатиб солишади,
- деб жавоб берибди.

— Ахир ухшатолмаяпман, - деса:

— Олдин думини чиз, - деб
масхара қилиб кулибди онаси.

— Ойижон, нега овқатингиз
пишмаган, - деса:

— Утинларни қишга олиб
қуяпман, - дер эмиш ойиси.

Аҳмаджон қараса, ишлари
юришмайдиған, уша кундан
бошлаб у ким иш буюрса лаб-
бай деб бажарадиған бўлибди.
Уйдагилар ҳам шундан кейин
Аҳмаджон сўраган нарсаларига
тугри жавоб берадиган, ёрдам
қиладиган бўлишибди.

Нилуфар ШАРОПОВА,
Қарши шаҳар
26-ўрта мактабнинг
6 - "Б" синф ўқувчиси